ЯНГИ БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИГА!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ✦ 15 декабрь 1973 йил, шанба ◆ № 293 (15.767). ◆ Баҳоси 2 тийин.

Кеча Москвада саккизинчи чақириқ СССР Олий Советининг еттинчи сессияси ўз ишини тамомлади.

Сессияда қабул қилинган ҳужжатларда Ватанимизнинг куч-қудратини янада мустаҳкамлаш, совет халқи моддий ва маданий фаровонлигини тағин ҳам ошириш-нинг янги истиқболлари ёрқин ифодасини топди.

СОВЕТЛАР МАМЛАКАТИНИНГ ЮКСАК МАРРАЛАРИ

САККИЗИНЧИ ЧАҚИРИҚ СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ЕТТИНЧИ СЕССИЯСИ

Биринчи бўлиб сўзга чиққан меҳнаткашлар депутатлари Москва шаҳар Совети ижроия комитети раиси депутат **В. Ф. Промислов** сессия минбаридан туриб айтдики, КПСС XXIV съезднинг тарихий қарорларини амалга оширишга ленинча партиямиз Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев қўшаётган ҳақиқатан ҳам жуда катта ҳиссани барча совет кишилари каби москвиликлар ҳам юксак қадрламоқдалар. Коммунистик қурилишнинг улуғвор вазифаларидан, Тинчлик программаси амалга оширилаётганлигидан руҳланган Москва меҳнаткашлари тўққизинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи йилида меҳнатда янги муваффақиятларни қўлга киритиш билан нишонладилар.

Нотиқ уқтириб айтдики, Ватанимиз пойтахтини ривожлантиришнинг эндиги йилга мўлжалланган плани партия Марказий Комитети ва Совет ҳукумати томонидан Москва тўғрисида қилинаётган доимий гамхўрликнинг янги ёрқин кўринишидир. План лойиҳасига мувофиқ Москвада саноат ишлаб чиқаришининг ҳажми 6 процент кўпайтирилади. Социалистик мусобақа кундан-кунга кенгайиб бормоқда, меҳнаткашларнинг коллективлари муқобил планларни ишлаб чиқиб қабул қилмоқдалар.

1974 йилги пландан келиб чиқаётган вазифаларнинг бажарилиши, деди пировардида депутат, москвиликларнинг меҳнати, турмуши ва дам олиши учун яхши шароитлар вужудга келтиришга ёрдам беради. Москвани намунали коммунистик шаҳарга айлантириш йўлида қўйилган яна бир муҳим қадам бўлади.

Минбарда — енгил саноат ва озиқ-овқат саноати учун машинасозлик ва рўзғор асбоблари саноати министри депутат **В. Н. Доенин.** Партия XXIV съезди тўққизинчи беш йилликда бизнинг олдимизга шундай асосий вазифани қўйганки, деди у, бу вазифанинг ҳал этилиши халқ турмушининг моддий фаровонлигини ва маданий даражасини анча оширишни таъминлаши лозим. Енгил саноат, озиқ-овқат саноати, гўшт-сут саноати, тегирмон-элеватор саноати, балиқчилик саноати, полиграфия саноати, шиша саноати ва бошқа шу каби тармоқларни халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш воситалари билан кўпроқ таъминлашдан иборат жиддий вазифа саноат олдига қўйилган. Магазинларни кўпайтириш, узоқ фойдаланиладиган рўзғор асбобларининг хилини кенгайтириш ва ҳажмини кўпайтириш мўлжаллаб қўйилган. Бунинг учун партия кўрсатиб берган фақат бир йўл бор, у ҳам бўлса — шу тармоқларни техника билан қайта қуроллантириш йўлидир.

Нотиқ прогрессив ускуналар қандай жорий қилинаётганлигини бир қанча корхоналар мисолида кўрсатиб берди. Чунончи, янги тўқув станоклари тез ўзлаштирилаётганлиги, деди нотиқ, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларни социалистик иқтисодий интеграциялаш комплекс программаси амалга оширилаётганлигининг натижаси бўлди.

Министр айтдики, тармоқ заводларида ишлаб чиқариш қувватлари секин жорий қилинаётганлиги янги техникани ўзлаштиришдаги қолоқликнинг асосий сабаби бўлиб турибди. Бизнинг машинасозлик тармоғимиз, деди у, аслини олганда «Б» группаси учун станоксозлик саноатидир. Шу сабабли уни тезроқ суръатлар билан ривожлантириш керак.

Министр 1974 йилда министрлик корхоналарининг ва ташкилотларининг коллективлари олдида турган вазифаларга батафсил тўхталиб ўтди.

— Мамлакатимизнинг ишчилар синфи, барча совет кишилари, деди Москва яқинидаги «Электросталь» электрометаллургия заводининг пўлат эритувчиси депутат **В. Д. Постников,** — тинчликни мустаҳкамлашнинг, халқаро хавфсизликнинг ва халқлар ўртасида ҳар томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлашнинг ленинча сиёсатини қизғин қувватламоқдалар. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, Марказий Комитет Сиёсий бюроси, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари шахсан Леонид Ильич Брежнев бу сиёсатни актив равишда ўтказиб келмоқдалар.

Донгдор пўлат эритувчи корхонада социалистик мусобақа авж олиб кетганлигини хиюя қилиб берди. «Кам маблағ сарфлаб, кўпроқ, яхши сифатли маҳсулот беравлик» деган шиор эндиликда завод коллективининг ишидаги асосий шиор бўлиб қолди.

Сўнгра нотиқ айтдики, прогуллар қилиш, ишга кечикиб келиш ҳамда меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини шу каби бузишлар натижасида иш вақти нобуд бўлаётганлигига энди ортиқ тоқат қилиб бўлмайди.

В. Д. Постников нутқининг охирида бундай деди:

— Мана шу юксак минбарда туриб КПСС Марказий Комитетини, шахсан Сиз, Леонид Ильични ишонтириб айтаманки, биз, ишчилар синфи партиямнинг юксак ишончини оқлаймиз, 1974 йилги планни ва умуман беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун ҳамма чораларни кўрамиз.

Туркманистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг секретари депутат **В. Н. Риков** сўзга чиқиб, Туркманистон ССР меҳнаткашлари мамлакатимизда коммунизм қуриш умумхалқ ишига қўшаётган ҳисса тўғрисида гапирди. Саноат корхоналари беш йиллиқнинг дастлабки икки йили планларини муваффақиятли адо этиб, учинчи, ҳал қилувчи йилда ҳам умуман яхши ишламоқдалар.

Қишлоқ меҳнатчилари ва аввало пахтакорлар ажойиб муваффақиятларга эришдилар. Мамлакат улардан биринчи марта 1 миллион тоннадан кўпроқ пахта олди. Бу — давлат планида кўрсатилгандан анча кўп. Дон, сабзавот, полиз маҳсулотлари, узум, сут, жун, тухум ва бошқа жуда муҳим маҳсулотларни харид қилиш халқ хўжалик планлари ошириб бажарилди.

Нотиқ айтдики, сессия муҳокамасига тақдим этилган 1974 йилги халқ хўжалик планининг ва Давлат бюджетининг лойиҳалари мамлакатда экономикани ва маданиятни янада ўстиришни кўзда тутади, бу лойиҳаларда бутун мамлакатнинг манфаатлари билан ҳар бир алоҳида республиканинг манфаатлари бир-бирига жуда яхши уйғунлаштирилган.

Грузия ССР Министрлар Советининг Раиси депутат **Г. Д. Жавахишвили** бу йил республика экономикаси планда белгиланганига қараганда тезроқ суръатлар билан ривожланаётганлигини айтди.

1974 йилда деди нотиқ, Грузия экономикасини жадал ривожлантириш плани иттифоқ министрликлари ва идораларининг бевосита иштироки билан ишлаб чиқилди. Г. Д. Жавахишвили планни материал-техника билан таъминлашни пухта ташкил этиш зарурлигини кўрсатиб ўтди.

КПСС Марказий Комитетининг бўлиб ўтган Пленумида ўртоқ Л. И. Брежневнинг сўзлаган нутқида баён қилиб берилган қоидалар ва хулосалар, деди депутат, 1974 йилги халқ хўжалик планини бажаришга коммунистларни, комсомолларни ва барча меҳнаткашларни сафарбар қилиш борасида Грузиянинг барча партия ташкилотлари олиб бораётган ишга асос қилиб олинади.

Кострома областидаги «Россия» колхозининг зоотехниги депутат **И. И. Пашкина** сўзга чиқиб айтдики, Леонид Ильич Брежневнинг АҚШга, Германия Федератив Республикаси, Франция ва Ҳиндистонга қилган тарихий визитлари ҳаммамизнинг эсимизда турибди. Шу визитлар чоғида олиб борилган музокаралар, имзоланган ҳужжатлар партия XXIV съезди маъқуллаган Тинчлик программасини амалга оширишга жуда муҳим ҳисса бўлиб қўшилди. Партиямиз ва давлатимизнинг тинчликсевар ленинча ташқи сиёсати ҳар бир совет кишисига яқин ва тушунарли сиёсатдир. Бу сиёсат осойишта ва бемалол меҳнат қилишга имконият бермоқда.

Қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш тўғрисида партия ва ҳукумат қилаётган ғамхўрлик қишлоқ меҳнатчиларига айниқса тушунарлидир. 1974 йилги халқ хўжалик планида чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни ва тайёрлашни янада кенг ҳажмда кўпайтириш кўзда тутилган. Бу осон вазифа эмас. Бу вазифани амалга ошириш чорвадорлар, мутахассислар, қишлоқ хўжалигидаги барча ходимларнинг кучини энг кўп даражада сафарбар қилишни талаб этади.

(Давоми иккинчи бетда).

СОЦИАЛИСТИК МЕҲНАТ ҚАҲРАМОНЛАРИ

Қаллибек Камолов — Ўзбекистон КП Қорақалпоғистон область комитетининг биринчи секретари.

Мақсудахон Умарова — Андижон область, Пахтаобод районидаги Бақуйов номли колхоз бригадири.



Кан Алексей — ҚҚАССР, Нукус районидаги «ВЛКСМ 50 йиллиги» совхозининг шоликори.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи

ҚОНУНИ

СССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1974 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ПЛАНИ ТЎҒРИСИДА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети **қарор қилади:**

1-модда. СССР Министрлар Совети тақдим этган СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1974 йилги Давлат плани, Иттифоқ Совети билан Миллатлар Советининг план-бюджет ва тармоқ комиссиялари тузатишлари ҳисобга олинган ҳолда маъқуллансин.

2- модда. СССР Халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1974 йилги Давлат планининг қуйидаги асосий кўрсаткичлари тасдиқлансин:

(1973 йилга нисбатан ўсиш процент ҳисобида).

Истеъмол ва жамғарма учун фойдаланиладиган миллий даромад	6,5 процент
Саноат маҳсулоти	6,8 процент
шу жумладан:	
Ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш	6,6 процент
Истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш	7,5 процент
Давлат сарфлайдиган капитал маблағлар	6,7 процент
Ҳамма турдаги транспортнинг юк оборoти	5,3 процент
меҳнат унумдорлиги:	
Саноатда	6 процент
Қурилишда	6,6 процент
Темир йўл транспортида	3,2 процент
Халқ хўжалигидаги иш ҳақи фонди	5,5 процент
Саноат фаолиятидан келадиган фойда	13,3 процент
Давлат ва кооператив савдосининг чакана товар обороти	6,3 процент

3-модда. 1973 йилдагига нисбатан 1974 йилда қуйидагиларни кўпайтириш таъминлансин:

Аҳоли жон бошига реал даромадлар	5 процент
Аҳолига кўрсатиладиган маиший хизматлар	10,2 процент
Пул билан таъминланишнинг ҳамма манбалари ҳисобига фойдаланиш учун топшириладиган жами уй-жой майдони	4,6 процент
Давлат бюджетида бўлган мактабгача тарбия муассасаларидаги болалар сони	3,5 процент
Куни узайтирилган мактаблар ва группалардаги ўқувчилар сони	6,8 процент
Ҳунар-техника билим юртларига ўқувчилар қабул қилиш	4,9 процент
Ўрта махсус ўқув юртларининг кундузги бўлимларига ўқувчилар қабул қилиш	1,8 процент
Олий ўқув юртларининг кундузги бўлимларига студентлар қабул қилиш	3,6 процент
Касалхоналардаги ўринлар сони	2,3 процент

4- модда. СССР Министрлар Советига КПСС XXIV съезди Директиваларига ҳамда «СССР Халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1971 — 1975 йилларга мўлжалланган Давлат беш йиллик плани тўғрисида»ги СССР Қонунига мувофиқ 1974 йилда совет халқи турмушининг моддий ва маданий даражасини янада кўтариш тадбирларини амалга ошириш топширилсин.

5-модда. СССР Халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1974 йилги Давлат плани юзасидан Иттифоқ Совети билан Миллатлар Советининг план-бюджет ва тармоқ комиссиялари хулосаларида баён этилган таклиф ва мулоҳазаларни, шунингдек, СССР Олий Совети палаталарининг мажлисларида депутатлар айтган таклиф ва мулоҳазаларни ошириш ва тегишли қарорлар қабул қилиш СССР Министрлар Советига топширилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. ПОДГОРНИЙ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль, 1973 йил, 14 декабрь.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи

ҚОНУНИ

СССРНИНГ 1974 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ТЎҒРИСИДА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети **қарор қилади:**

1-модда. СССР Министрлар Совети тақдим этган СССРнинг 1974 йилги Давлат бюджети Иттифоқ Совети билан Миллатлар Советининг план-бюджет ва тармоқ комиссияларининг тузатишларини ҳисобга олиб, жамики даромадлар бўйича 194.300.866 минг сўм миқдорида ва жамики харажатлар бўйича 194.088.010 минг сўм миқдорида, даромадлар харажатлардан 212.856 минг сўм миқдорида ошиқ қилиб тасдиқлансин.

2-модда. СССРнинг 1974 йилги Давлат бюджетида давлат ва кооператив корхоналаридан ва ташкилотларидан келадиган даромадлардан — оборот солиғи, ишлаб чиқариш фондлари учун олинадиган ҳақ, қайд қилинган тўловлар, фойданинг эркин қолдиғи, фойданинг ажратмалари, даромад солиғи ва социалистик хўжаликдан келадиган бошқа даромадлар — жами 176.569.406 минг сўм миқдорида белгилансин.

3- модда. СССРнинг 1974 йилги Давлат бюджетида халқ хўжалигини — оғир саноатни, қурилиш индустриясини, енгил саноатни ва озиқ-овқат саноатини, қишлоқ хўжалиги, транспорт, уй-жой коммунал хўжалигини ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларини янада ривожлантиришни пул билан таъминлаш ҳаражатлари — жами 95.118.028 минг сўм миқдорида белгилансин.

4- модда. СССРнинг 1974 йилги Давлат бюджетида социал-маданий тадбирларга—умумий таълим мактаблари, техникумлар, олий ўқув юртлари, илмий-тадқиқот муассасалари, ҳунар-техника билим юртлари, кутубхоналар, клублар, театрлар, матбуот, радио эшиттириш ҳамда маориф ва маданиятга доир бошқа тадбирлар; касалхоналар, болалар яслилари, санаторийлар ҳамда соғлиқни сақлаш ва физкультуранинг бошқа муассасаларига; пенсия ва нафақалар тўлашга ажратиладиган маблағлар — жами 70.283.122 минг сўм миқдорида, шу жумладан давлат социал страхованиеси бюджети бўйича 22.445.674 минг сўм миқдорида белгилансин.

5- модда. СССРнинг 1974 йилги Давлат бюджетида мамлакат мудофаасига бериладиган маблағлар 17.650.000 минг сўм миқдорида белгилансин.

6- модда. СССРнинг 1974 йилги Давлат бюджетида давлат ҳокимияти органларини давлат бошқарув органларини, суд ва прокуратура органларини таъминлашга бериладиган маблағлар 1.863.702 минг сўм миқдорида белгилансин.

7- модда. 1974 йилги Иттифоқ бюджети даромадлар бўйича 105.998.870 минг сўм миқдорида ва ҳаражатлар бўйича 105.786.014 минг сўм миқдорида, даромадлар ҳаражатлардан 212.856 минг сўм миқдорида ошиқ қилиб тасдиқлансин.

8- модда. КПСС XXIV съезди Директиваларига мувофиқ совет халқи фаровонлигини янада ошириш юзасидан беш йиллик планда 1974 йилда кўзда тутилган тадбирлар учун бир йилга ҳисобланганда 15.760.000 минг сўм, бундан 1974 йилдан бошлаб амалга ошириладиган тадбирлар учун 5.070.000 минг сўм ажратилсин.

9- модда. Иттифоқдош республикаларнинг 1974 йилги Давлат бюджетлари даромадлар ва харажатлар бўйича 88.301.996 минг сўм миқдорида белгилансин, шу жумладан, иттифоқдош республикалар бўйича қуйидагича белгилансин:

	(минг сўм).
Россия Совет Федератив Социалистик Республикаси	47.864.641
Украина Совет Социалистик Республикаси	15.080.502
Белоруссия Совет Социалистик Республикаси	3.863.867
Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси	3.797.530
Қозоғистон Совет Социалистик Республикаси	5.970.907
Грузия Совет Социалистик Республикаси	1.626.345
Озарбайжон Совет Социалистик Республикаси	1.507.032
Латвия Совет Социалистик Республикаси	1.198.669
Молдавия Совет Социалистик Республикаси	1.087.625
Латвия Совет Социалистик Республикаси	1.198.669
Қирғизистон Совет Социалистик Республикаси	1.047.108
Тожикистон Совет Социалистик Республикаси	913.424
Арманистон Совет Социалистик Республикаси	1.118.616
Туркманистон Совет Социалистик Республикаси	703.784
Эстония Совет Социалистик Республикаси	756.698

10- модда. 1974 йилда Умумиттифоқ давлат солиқлари ва даромадларидан иттифоқдош республикаларнинг давлат бюджетларига бериладиган ажратмалар қуйидаги миқдорда тасдиқлансин:

А) оборот солиғи тушумларидан: РСФСРга—39,5 процент, Украина ССРга—37,1 процент, Белоруссия ССРга—67,4 процент, Ўзбекистон ССРга—97,5 процент, Қозоғистон ССРга—98,6 процент, Грузия ССРга — 89 процент, Озарбайжон ССРга — 71,2 процент, Литва ССРга — 90,4 процент, Молдавия ССРга — 55,6 процент, Латвия ССРга — 41,5 процент, Қирғизистон ССРга — 95 процент, Тожикистон ССРга — 98,2 процент, Арманистон ССРга — 92,3 процент, Туркманистон ССРга — 100 процент, Эстония ССРга — 56,3 процент;

Б) 1974 йилда сотиладиган 3 процентли давлат ички ютуқли заёмидан келадиган пул миқдоридан — 50 процент;

В) аҳолидан олинадиган даромад солиғидан Ўзбекистон ССР, Қозоғистон ССР, Литва ССР, Тожикистон ССР ва Арманистон ССР давлат бюджетларига — 100 процент.

СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1974 йилги Давлат планида кўзда тутилган тадбирларни пул билан таъминламоқ учун 1974 йилда Иттифоқ бюджети маблағларидан Туркманистон ССР Давлат бюджетига 58.783 минг сўм ажратилсин.

11- модда. СССРнинг 1974 йилги Давлат бюджети юзасидан Иттифоқ Совети билан Миллатлар Советининг план-бюджет ва тармоқ комиссиялари хулосаларида баён этилган таклиф ва мулоҳазаларни, шунингдек СССР Олий Совети палаталарининг мажлисларида депутатлар айтган таклиф ва мулоҳазаларни кўриб чиқиб, шуларга доир тегишли қарорлар қабул қилиш СССР Министрлар Советига топширилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. ПОДГОРНИЙ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль, 1973 йил, 14 декабрь.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

СССРнинг 1972 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ИЖРОСИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети **қарор қилади:**

СССРнинг 1972 йилги Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот даромадлар бўйича 175.113.468 минг сўм ва харажатлар бўйича 173.215.849 минг сўм миқдорида, даромадлар харажатлардан 1.897.619 минг сўм ошиқ қилиб тасдиқлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. ПОДГОРНИЙ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль, 1973 йил, 14 декабрь.

СОВЕТЛАР МАМЛАКАТИНИНГ ЮКСАК МАРРАЛАРИ

(Бошқ биринчи бетда).

И. И. Пашкина чорвачиликни саноат асосига ўтказиш проблемаларига тўхталиб ўтди. Нотиқ, чорвачилик ва ем ишлаб чиқариш учун машинасозлик министрлиги тузилганлиги фермаларни комплекс равишда механизациялаштирмоқ учун машиналар ишлаб чиқаришни анча кенгайтиришга ва бу машиналарнинг сифатини яхшилашга ёрдам беради, деб ишонч билдирди.

Тожикистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг секретари депутат **А. И. Шитов** сессияда сўзга чиқиб айтдики, бу йил мамлакатимиз коммунистик қурилишнинг ҳамма соҳаларида янги жуда катта муваффақиятларга эришди, СССР халқларининг қардошларча дўстлиги янада мустаҳкамланди, улар партия атрофида, партиянинг ленинчи Марказий Комитети тевирагида тағин ҳам маҳкамроқ жипслашдилар. Тожикистон саноати, деди у, умуман беш йиллик плани муваффақиятли бажармоқда.

Танаффусдан кейин мажлис Иттифоқ Советининг раиси депутат **А. П. Шитиков** раислигида давом эттирилди.

«Башнефтехимзаводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бошлиғи депутат **А. М. Петров**га сўз берилади. Сессияга тақдим этилган докладлар ва ҳужжатлар, деди А. М. Петров, мамлакатнинг социал-иқтисодий ривожланиши яхши суръатлар билан давом этаётганлигини, халқ фаровонлиги янада ошиб бораётганлигини яққол кўрсатиб турибди.

Совет халқининг муваффақиятларига деди КПСС Архангельск область комитетининг биринчи секретари депутат **Б. В. Попов**, шимолнинг ёғоч тайёрловчилари ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Беш йиллик бошланганидан бери ялпи ишлаб чиқариш ва маҳсулотни реализация қилиш планлари ошириб бажарилди.

«Вахрушевуголь» комбинатига қарашли «Волчанский» разрезининг кончилик мастери депутат **В. И. Страхов** сўзга чиқиб айтдики, Свердловск областининг меҳнаткашлари тўққизинчи беш йилликнинг учинчи, ҳал қилувчи йилида давлат план топшириқларини ва социалистик мажбуриятларни барвақт бажариш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми бўйича ўн бир ойлик планни муддатидан олдин бажардилар.

Ҳалқаро вазиятни юмшатиш йўлида жуда катта ва самарали ишлар қилаётган партиямиз Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежневдан барча совет кишилари, каби Кубань меҳнаткашлари ҳам гоят миннатдорлар, деди Краснодар ўлкасидаги Каневский район партия комитетининг биринчи секретари депутат **В. П. Назаренко**. Ленинча тинчликсевар сиёсатнинг муваффақиятлари туфайли мамлакатимиз халқлари тинч бунёдкорлик меҳнати билан тўла-тўкис шуғулланиш, истиқболни кўзлаб ишлаш имкониятига эга бўлдилар.

Беш йиллик планнинг тўртинчи йилига мўлжалланган ва биз муҳокама қилаётган план лойиҳасида, деди нотиқ, қишлоқ хўжалик маҳсулотини етиштириши анча кўпайтириш кўзда тутилган. Ўлканинг барча районлари ва хўжаликларида 1974 йилда қишлоқ хўжалик маҳсулотини ялпи ишлаб чиқаришни кўпайтириш тадбирлари ишлаб чиқилди.

Омскдаги нефтни қайта ишлаш комбинатининг бош директори депутат **В. А. Рябов** сессияда сўзга чиқиб, Сибирда ишлаб чиқарувчи кучлар барқ уриб ривожланаётганлиги тўғрисида, Сибирь хом ашё базасидан мамлакатимизнинг тайёр маҳсулот етказиб берувчи жуда катта районига тобора кўпроқ айланиб бораётганлиги ҳақида гапирди.

Қозғисон Коммунистик партияси Кўкчатов область комитетининг биринчи секретари депутат **Е. Н. Овулбеков** сўзга чиқиб, республика меҳнаткашлари мамлакатни ривожлантиришга қўшаётган ҳисса тўғрисида гапирди.

Шу билан Иттифоқ Советининг мажлиси тугади.

* * *

Мамлакат давлат ҳокимиятининг олий органи — СССР Олий Совети Кремлда ўз ишини давом эттирмоқда. Депутатлар беш йиллик учинчи йили якунларини анализ қилмоқдалар, халқ хўжалигини ривожлантириш истиқболларини белгиламоқдалар. Сессия арафасида КПСС Марказий Комитети Пленуми томонидан маъқулланган 1974 йилги Давлат плани ва бюджети лойиҳалари сессия иштирокчиларининг диққат марказида турибди.

Ватанимиз халқларининг намояндалари барча совет кишиларининг фикрини ифодалаб янги планларни мамлакат иқтисодий қудратини янада ошириш тўғрисида, халқнинг моддий фаровонлигини ва маданий савиясини юксалтириш тўғрисида Совет Иттифоқи Коммунистик партияси қилаётган меҳрибонликнинг яна бир ифодаси, деб таърифламоқдалар. Депутатлар Совет давлатининг халқаро миқёсдаги обрў-эътибори йил сайин ўсиб бораётганлигини яқдиллик билан таъкидламоқдалар. КПСС XXIV съезди қабул қилган Тинчлик программасининг амалга оширилиши, хўжалик ва маданий қурилишдаги муваффақиятлар бу соҳада ҳал қилувчи роль ўйнамоқда.

Сессияда нотиқлар совет халқи беш йилликнинг тўртинчи йилида янада яхшироқ, янада самаралироқ ишлайдилар, деб ишонч билдирмоқдалар. 1974 йил тўққизинчи беш йиллик вазифаларини ҳал этишда энг муҳим йил бўлади.

14 декабрь эрталаб соат 9 да СССР Олий Совети палаталарининг мажлислар залида Миллатлар Советининг учинчи мажлиси очилди.

Депутатлар ва меҳмонлар **А. Я. Пельше, Д. С. Полянский, А. Н. Шелепин, П. М. Машеров, Б. Н. Пономарев, Д. Ф. Устинов** ўртоқларни давомли қарсаклар билан кутиб олдилар.

Миллатлар Совети раисининг ўринбосари депутат **Е. З. Залиев** мажлисга раислик қилди.

Мажлисда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1974 йилги Давлат плани тўғрисидаги, СССРнинг 1974 йилги Давлат бюджети ҳақидаги ва СССРнинг 1972 йилги Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги докладларини муҳокама қилиш давом эттирилди.

Музокараларда биринчи бўлиб Белоруссия ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика Госплани раиси депутат **Ф. Л. Кохонов** сўзга чиқди.

Белоруссия шаҳар ва қишлоқларининг меҳнаткашлари, деди у, хўжалик ва маданий қурилишнинг ҳамма участкаларида социалистик мусобақани кенг авж олдириб юбордилар. Республика 1973 йилни яхши кўрсаткичлар билан якунламоқда. Саноат маҳсулотини реализация қилиш ўн бир ойлик плани муддатидан илгари бажарилди, қишлоқ хўжалигида ҳам анчагина муваффақиятларга эришилди.

Нотиқ миллий даромад беш йилнинг уч йили мобайнида 27,7 процент ўсади, деб маълум қилди. Бу эса планда белгиланганига қараганда кўп. Ф. Л. Кохонов Белоруссия ССР халқ хўжалигини 1974 йилда ривожлантириш истиқболлари тўғрисида батафсил гапирди.

Депутат бир қанча таклифларни киритди. СССР Госплани ва СССР Министрлар Советининг Фан ва техника давлат комитети бошқа министрликлар билан биргаликда халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарувчи корхоналарни техника билан қайта қуроллантириш учун амалий чоралар кўриши керак, деди у.

Бутун совет халқи сингари Совет Литвасининг меҳнаткашлари ҳам беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йилида республика халқ хўжалигини интенсив ривожлантиришни давом эттирдилар, меҳнат унумдорлигини ошириш, моддий ва меҳнат ресурсларини тежашнинг янги резервларини қидирдилар, деди Литва касаба союзлари республика советининг раиси депутат **К. И. Мацкевичус**.

СССР нефтни қайта ишлаш ва нефть химияси саноати министри депутат **В. С. Федоров** минбарга чиқади.

Совет халқининг меҳнат жасорати, Коммунистик партия, унинг ленинчи Марказий Комитети, Марказий Комитет Бош секретари Леонид Ильич Брежнев бошчилигидаги Марказий Комитет Сиёсий бюроси қунт билан куч сайин олиб бораётган жуда катта сиёсий ва ташкилотчилик ишларининг самаралари беш йилликнинг уч йили планининг бажарилиш якунларида, Олий Совет муҳокамасига тақдим этилган 1974 йилги план ва бюджет лойиҳаларида мужассамлашган, деб таъкидлади нотиқ.

В. С. Федоров тармоқни техника билан қайта қуроллантириш зарурлиги ҳақида гапирди.

Бурятия саноати, деди Улан-Удэ аннация заводининг директори депутат **С. И. Исаев**, дастлабки маълумотларга кўра, беш йилликнинг уч йили мобайнида маҳсулот ишлаб чиқаришни 1970 йилдагига нисбатан қарийб учдан бир баравар кўпайтиради.

Туркманистон ССР Министрлар Советининг Раиси депутат **О. Н. Ораазмуҳамедов** бундай деди: республика саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш ва реализация қилиш йиллик планини муддатидан аввал бажарди. Қишлоқ хўжалик меҳнатчилари катта муваффақиятларга эришдилар. Ватан омборларига Туркманистон бир миллион 900 минг тоннадан зиёдроқ ёғи халқ хўжалик планида кўзда тутилганига қараганда 460 минг тонна кўп пахта сотдилар. **(Қарсаклар).**

Бу етиштирилган пахта, табиатнинг бизга берган инъоми эмас, балки кишиларнинг жуда катта ва фидокорона меҳнати, уларнинг деҳқончилик маҳорати ошганлиги натижасидир. Л. И. Брежневнинг образли ибораси билан айтганда. Ўзбекистон пахтакорларининг олтин кўллари миллион-миллион тонна «оқ олтин» етиштирди ва уни териб олди.

Бу тармоқ кенг механизациялаштирилганлиги пахтачиликни тез юксалтиришнинг ҳал қилувчи омили бўлди. Бу йил республика далаларида 28 мингта яқин терим машинаси ишлади. етиштирилган жамики пахта ҳосилининг 55 проценти шу машиналар ёрдамида терилиб олинди.

Ўзбекистон пахтакорларининг галабаси КПСС Марказий Комитетининг, Совет ҳукуматининг ва шахсан ўртоқ Л. И. Брежневнинг жуда катта ёрдами ва доимий ғамхўрликлари туфайли қўлга киритилди.

Бу йил пахта теримининг долзарб пайтида Леонид Ильич Брежневнинг Ўзбекистонга келганлиги, пахтакор республикалар партия хўжалик активининг йиғилишида ўз истаклларини айтиб маслаҳатлар берганлиги барча меҳнаткашларга кенг маъқул бўлди ва улар томонидан қизғин қўлватланди, партия, совет ва хўжалик органларини қишлоқ хўжалигини йилини муваффақиятли тугаллашга сафарбар қилди.

Тожикистон, Туркманистон, Қирғизистон, Қозғистон ва Озарбайжон пахтакорлари ўртасидаги традицион социалистик мусобақа ҳам муҳим роль ўйнади. Ўзаро текширишлар ва тажриба алмашишлар Ўзбекистон деҳқонларининг юксак социалистик мажбуриятларини шараф билан бажаришларига ёрдам берди.

Республикада қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларида ҳам бу йил яхши кўрсаткичларга эришдик. Колхозлар ва совхозлар давлатга 600 минг тоннадан кўпроқ дон, шу жумладан жуда қимматли дон бўлган 200 минг тоннадан зиёдроқ шоли сотдилар.

Мева-сабзавот маҳсулотини харид қилиш планлари муддатидан олдин бажарилди. Москва, Ленинградга ва мамлакатнинг бошқа саноат марказларига 500 минг тоннадан кўпроқ сабзавот, мева, қовун-тарвуз ва узум юборилди.

Чорвачиликни ривожлантиришда ҳам бир мунча силжишлар рўй берди.

Депутат ўртоқлар! СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1974 йилги давлат плани ва СССРнинг 1974 йилги давлат бюджети СССР Олий Совети муҳокамасига тақдим қилинган эди. Бу давлат плани ва давлат бюджети Совети билан Миллатлар Советининг иккинчи қўшма мажлиси бўлди.

Залда жуда кўп меҳмонлар — Москва ва пойтахт области меҳнаткашларининг вакиллари, Совет Иттифоқидаги чет эл дипломатлари, журналистлар ҳозир бўлдилар.

Мажлис аҳли **Л. И. Брежнев, Ю. В. Андропов, А. А. Гречко, В. В. Гришин, А. А. Громико, А. П. Кириленко, Ф. Д. Кулаков, Д. А. Кунаев, К. Т. Мазуров, А. Я. Пельше, Н. В. Подгорний, Д. С. Полянский, М. А. Суслов, А. Н. Шелепин, П. Н. Демичев, П. М. Машеров, Б. Н. Пономарев, Г. В. Романов, М. С. Соломенцев, Д. Ф. Устинов, В. И. Долгих, И. В. Капитонов, К. Ф. Катушев** ўртоқларни гулдурос, давомли қарсаклар билан, ўринларидан туриб кутиб олдилар.

Мажлисни Миллатлар Советининг раиси депутат **Е. С. Насриддинова** очди.

Кун тартибининг биринчи моддаси — «СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1974 йилги Давлат плани тўғрисида» СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССР Госпланининг раиси депутат **Н. К. Байбаков** якунловчи нутқ сўзлади.

СССР Олий Советининг Миллатлар Совети билан Иттифоқ Совети СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг СССР Министрлар Совети тақдим этган 1974 йилги Давлат планини атрофлича кўриб чиқдилар, деди у. СССР Олий Совети палаталари план-бюджет ва тармоқ комиссияларининг хулосаларида ҳамда қўшимча докладларида ва депутатларнинг нутқларида 1974 йилги халқ хўжалик плани мамлакат экономикасини янада ривожлантириш ва халқнинг турмуш даражасини ошириш юзасидан КПСС XXIV съезди Директиваларини ўтга қўйган вазифаларни рўёбга чиқаришда катта қадам бўлиши таъкидлаб ўтилди. План-бюджет ва тармоқ комиссияларининг қўшимча докладларида ҳамда депутатларнинг нутқларида план тўла-тўкис маъқулланди.

Шу билан бирга СССР Олий Совети палаталарининг план-бюджет ва тармоқ комиссиялари ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини янада оширишга ва экономикамиз ривожини интенсивлашга, шунингдек биринчи галда ишлаб турган қувватлардан яхшироқ фойдаланиш ва янги қувватларни тезроқ ўзлаштириш, моддий ва молия ресурсларидан рационал фойдаланиш, иш вақтининг нобуд бўлишини тугатиш ҳисобига халқ хўжалигидаги мавжуд резервлардан янада тўлароқ фойдаланишга қаратилган бир қанча муҳим таклифларни киритдилар.

Бу резервлардан, фойдаланиш ҳамма корхоналар, қурилишлар, колхозлар, совхозлар, ташкилотлар ва муассасаларнинг хўжалик фаолиятини яхшилашни, давлат план интизомининг даражасини оширишни талаб қилади. Бу вазифани КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг сессия арафасида бўлиб ўтган пленумида яна бир карра таъкидлаб ўтди.

Моддий ресурсларни янада тежаб-тергаб сарфлаш ва уларни нормаллашда тартиб ўрнатиш зарурлиги тўғрисида план-бюджет комиссияларининг қўшимча докладларида ва депутатларнинг нутқларида баён этилган таклифларни ҳар томонлама қўллаб-қувватласа арзийди. Бу — катта ва муҳим масаладир. Шу сабабли СССР министрликлари ва идоралари ҳамда иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари моддий ресурсларни тежаб-тергаб сарфлашга эътиборни кучайтиришлари ва партия XXIV съезднинг шу масала юзасидан белгилаб берган топшириқлари бажарилишини таъминлаш учун конкрет чораларни кўришлари лозим. Ҳар соҳада тежамкор бўлиш корхоналар, қурилишлар, колхоз ва совхозлар коллективлари фаолиятининг қонуни бўлиб қолиши керак.

План-бюджет ва тармоқ комиссиялари ўз хулосаларида капитал қурилиш ишини яна яхшилаш ҳамда асосий фондларни ва ишлаб чиқариш қувватларини ишга туширишни жадаллаштириш зарурлигини таъкидладилар.

Шу сессиянинг ўзида таъкидлаб ўтилганидек, деди сўзини давом эттириб Н. К. Байбаков, капитал маблағларни концентрациялаш соҳасидаги тадбирлар 1973 йилда асосий фондларни ва ишлаб чиқариш қувватларини ишга туширишни жадаллаштириш имконини берди. Бироқ халқ хўжалигини янада ривожлантириш вазифалари капитал қурилишни ташкил этишни яхшилашни, уни янги, янада юксак погонага кўтаришни талаб қилади. Қурилиш министрликлари билан заказчи министрликлар энг муҳим объектларни қуришни ташкил этиш ва шу тарзда ишга тўширилиадиган энг муҳим объектлардаги ишларни бажаришнинг аниқ графигини тузиб олиш ва шу графикнинг бажарилишини таъминлаш масалаларини синчиклаб кўриб чиқишлари зарур.

Иттифоқ Совети план-бюджет ва тармоқ комиссияларининг қўшимча докладларида тармоқлараро фойдаланиладиган маҳсулотни ихтисослаштирилган қолда ишлаб чиқаришни ривожлантириш зарурлигига, станоксозлик ва асбобсозлик саноати министрлиги билан оғир, энергетика ва транспорт машинасозлиги министрлиги бу маҳсулотни ишлаб чиқарадиган корхоналарни қониқарсиз равишда қураётганлигига эътибор тўғри жалб қилинди.

Станоксозлик саноати министрлиги ва бошқа машинасозлик министрликлари бу масалани пухта кўриб чиқиб, заготовка ишлаб чиқариш қувватларини ҳам, шунингдек тармоқлараро қўлланиладиган маҳсулот ишлаб чиқариш қувватларини ҳам ривожлантириш чораларини кўришлари зарур.

План-бюджет комиссиялари 1974 йилги халқ хўжалик планига доир хулосаларида халқ хўжалиги кўпгина турдаги машиналар ва механизмларнинг эҳтиёт қисмлари билан қониқарсиз таъминланаётганлигини таъкидлаб ўтдилар.

Халқ хўжалигининг эҳтиёт қисмларга бўлган эҳтиёжларини тўлароқ қондириш мақсадида 1974 йилги планда шу эҳтиёт қисмларни ишлаб чиқаришни анча кўпайтириш кўзда тутилмоқда ва камчил эҳтиёт қисмларнинг номма-ном рўйхати кенгайтирилди. Бунда кўпгина турдаги машиналар ва ускуналарнинг эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқариш суръатлари шу машиналар ва ускуналарни ишлаб чиқаришни кўпайтириш суръатидан илдамроқ қилиб белгиланди. Шу билан бирга СССР Госснаби ва «Союзсельхозтехника» корхоналарни, колхозларни ва бошқа ташкилотларни эҳтиёт қисмлар билан таъминлашни яхшироқ ташкил этиши, эҳтиёт қисмларга бўлган эҳтиёжни синчиклаб ўрганиши, шунингдек эҳтиёт қисмларнинг мавжуд ресурсларидан оператив равишда маневр қилиб фойдаланишни таъминлаши зарур.

Н. К. Байбаков механизациялаштирилган дон омборларини жадал қуриш тўғрисида яқинда қарор қабул қилинганлигини айтди. Шу билан бирга, СССР Тайёрлаш министрлиги, СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги, Қурилиш министрликлари ва иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари дон омборлари қурилишига кўпроқ эътибор беришлари зарур, чунки дон омборларини ишга туширишдан ҳамма ерда бажарилаётир, деб бўлмайди.

СССР Госплани ва Машинасозлик министрликлари дон ташиладиган автотранспорт юкини узлуксиз туширириб олишни таъминлайдиган техника ишлаб чиқаришни кўпайтириш чораларини кўрадилар.

Халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва сифатини ҳар томонлама яхшилаш, шунингдек, шу молларни ишлаб чиқарувчи қувватларни ишга туширишни таъминлаш масалалари иттифоқдош республикалар Министрлар Советларининг, СССР министрликлари ва идораларининг диққат марказида туриши лозим. Халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқарувчи ҳар бир корхонада конкрет тадбирларни ишлаб чиқиш, бунда ана шу молларни ишлаб чиқариш планлари тўла ва сўзсиз бажарилишини назарда тутиш, уларнинг сифатини оширишга алоҳида эътибор бериш лозим.

(Давоми учинчи бетда).

Депутат Т. Н. ОСЕТРОВ нутқи

(ЎЗБЕКИСТОН ССР ШАҲРИСАБЗ САЙЛОВ ОКРУГИ)

Депутат ўртоқлар! Кеча биз ҳаммамиз ўртоқ Н. К. Байбаковнинг ва ўртоқ В. Ф. Гарбузовнинг батафсил докладларини катта эътибор бериб ва гоят қизиқиб тингладик. Бу докладларда беш йиллик планини бажаришнинг асосий натижалари якулаб берилди, мамлакатимиз экономикасини ва маданиятини янада юксалтиришнинг партия XXIV съезди белгилаб берган улуғвор вазифаларини амалга оширишда совет халқи эришган ютуқлар яққол кўрсатиб ўтилди.

Совет давлатининг иқтисодий қудрати ўсиб бораётганлиги жаҳондаги барча воқеаларнинг ривожланишига, бутун халқаро ҳаётга ҳал қилувчи таъсир ўтказиб турибди. Коммунистик партия ва Совет ҳукумати тинчлик ва халқлар ўртасида дўстлик сиёсатини, хавфсизликни ва тинч ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган мана шу ленинча сиёсатни изчиллик билан ўтказиб келмоқдалар.

Халқаро вазиятда кейинги йилларда рўй берган, халқларнинг тинчликка бўлган умидларини мустаҳкамлаётган ижобий ўзгаришлар партиямиз Марказий Комитети, КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси ва шахсан ўртоқ Л. И. Брежнев ўтказиб келаётган жуда катта ишнинг бевосита натижасидир. Леонид Ильичнинг социализм ва ер юзида тинчлик ишини ғалаба қилдириш йўлида ҳормай-толмай қилаётган олижаноб иши бутун халқимизнинг қизғин муҳаббатига ва чуқур ҳурматига, яхши ниятли барча кишиларнинг самимий миннатдорчилигига сазовор бўлди, халқаро майдонда Совет Иттифоқининг обрўйини тағин ҳам баланд кўтарди.

Марказий Комитетнинг яқинда бўлиб ўтган пленуми тўғрисидаги хабарни эшитиб, барча совет кишилари жуда ҳам мамнун бўлдилар. Пленум КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг ички ва ташқи сиёсат соҳасида партия XXIV съезди қарорларини амалга оширишдаги фаолиятини тўла-тўкис ва батамом маъқуллади.

Пленумда Л. И. Брежнев ёрқин, сермазмун нутқ сўзлади. У КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошириш қандай бораётганлигини чуқур анализ қилиб берди, партия ва совет халқи олдига мамлакат экономикасини янада юксалтириш, халқ турмушини ва маданиятини янада ошириш тўғрисида, халқнинг моддий фаровонлигини ва маданий савиясини юксалтириш тўғрисида Совет Иттифоқи Коммунистик партияси қилаётган меҳрибонликнинг яна бир ифодаси, деб таърифламоқдалар. Депутатлар Совет давлатининг халқаро миқёсдаги обрў-эътибори йил сайин ўсиб бораётганлигини яқдиллик билан таъкидламоқдалар. КПСС XXIV съезди қабул қилган Тинчлик программасининг амалга оширилиши, хўжалик ва маданий қурилишдаги муваффақиятлар бу соҳада ҳал қилувчи роль ўйнамоқда.

Сессияда нотиқлар совет халқи беш йилликнинг тўртинчи йилида янада яхшироқ, янада самаралироқ ишлайдилар, деб ишонч билдирмоқдалар. 1974 йил тўққизинчи беш йиллик вазифаларини ҳал этишда энг муҳим йил бўлади.

14 декабрь эрталаб соат 9 да СССР Олий Совети палаталарининг мажлислар залида Миллатлар Советининг учинчи мажлиси очилди.

Депутатлар ва меҳмонлар **А. Я. Пельше, Д. С. Полянский, А. Н. Шелепин, П. М. Машеров, Б. Н. Пономарев, Д. Ф. Устинов** ўртоқларни давомли қарсаклар билан кутиб олдилар.

Миллатлар Совети раисининг ўринбосари депутат **Е. З. Залиев** мажлисга раислик қилди.

Мажлисда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1974 йилги Давлат плани тўғрисидаги, СССРнинг 1974 йилги Давлат бюджети ҳақидаги ва СССРнинг 1972 йилги Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги докладларини муҳокама қилиш давом эттирилди.

Музокараларда биринчи бўлиб Белоруссия ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика Госплани раиси депутат **Ф. Л. Кохонов** сўзга чиқди.

Белоруссия шаҳар ва қишлоқларининг меҳнаткашлари, деди у, хўжалик ва маданий қурилишнинг ҳамма участкаларида социалистик мусобақани кенг авж олдириб юбордилар. Республика 1973 йилни яхши кўрсаткичлар билан якунламоқда. Саноат маҳсулотини реализация қилиш ўн бир ойлик плани муддатидан илгари бажарилди, қишлоқ хўжалигида ҳам анчагина муваффақиятларга эришилди.

Нотиқ миллий даромад беш йилнинг уч йили мобайнида 27,7 процент ўсади, деб маълум қилди. Бу эса планда белгиланганига қараганда кўп. Ф. Л. Кохонов Белоруссия ССР халқ хўжалигини 1974 йилда ривожлантириш истиқболлари тўғрисида батафсил гапирди.

Депутат бир қанча таклифларни киритди. СССР Госплани ва СССР Министрлар Советининг Фан ва техника давлат комитети бошқа министрликлар билан биргаликда халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарувчи корхоналарни техника билан қайта қуроллантириш учун амалий чоралар кўриши керак, деди у.

Бутун совет халқи сингари Совет Литвасининг меҳнаткашлари ҳам беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йилида республика халқ хўжалигини интенсив ривожлантиришни давом эттирдилар, меҳнат унумдорлигини ошириш, моддий ва меҳнат ресурсларини тежашнинг янги резервларини қидирдилар, деди Литва касаба союзлари республика советининг раиси депутат **К. И. Мацкевичус**.

СССР нефтни қайта ишлаш ва нефть химияси саноати министри депутат **В. С. Федоров** минбарга чиқади.

Совет халқининг меҳнат жасорати, Коммунистик партия, унинг ленинчи Марказий Комитети, Марказий Комитет Бош секретари Леонид Ильич Брежнев бошчилигидаги Марказий Комитет Сиёсий бюроси қунт билан куч сайин олиб бораётган жуда катта сиёсий ва ташкилотчилик ишларининг самаралари беш йилликнинг уч йили планининг бажарилиш якунларида, Олий Совет муҳокамасига тақдим этилган 1974 йилги план ва бюджет лойиҳаларида мужассамлашган, деб таъкидлади нотиқ.

В. С. Федоров тармоқни техника билан қайта қуроллантириш зарурлиги ҳақида гапирди.

Бурятия саноати, деди Улан-Удэ аннация заводининг директори депутат **С. И. Исаев**, дастлабки маълумотларга кўра, беш йилликнинг уч йили мобайнида маҳсулот ишлаб чиқаришни 1970 йилдагига нисбатан қарийб учдан бир баравар кўпайтиради.

Туркманистон ССР Министрлар Советининг Раиси депутат **О. Н. Ораазмуҳамедов** бундай деди: республика саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш ва реализация қилиш йиллик планини муддатидан аввал бажарди. Қишлоқ хўжалик меҳнатчилари катта муваффақиятларга эришдилар. Ватан омборларига Туркманистон бир миллион 900 минг тоннадан зиёдроқ ёғи халқ хўжалик планида кўзда тутилганига қараганда 460 минг тонна кўп пахта сотдилар. **(Қарсаклар).**

Бу етиштирилган пахта, табиатнинг бизга берган инъоми эмас, балки кишиларнинг жуда катта ва фидокорона меҳнати, уларнинг деҳқончилик маҳорати ошганлиги натижасидир. Л. И. Брежневнинг образли ибораси билан айтганда. Ўзбекистон пахтакорларининг олтин кўллари миллион-миллион тонна «оқ олтин» етиштирди ва уни терib олди.

Бу тармоқ кенг механизациялаштирилганлиги пахтачиликни тез юксалтиришнинг ҳал қилувчи омили бўлди. Бу йил республика далаларида 28 мингта яқин терим машинаси ишлади. етиштирилган жамики пахта ҳосилининг 55 проценти шу машиналар ёрдамида терib олинди.

Ўзбекистон пахтакорларининг галабаси КПСС Марказий Комитетининг, Совет ҳукуматининг ва шахсан ўртоқ Л. И. Брежневнинг жуда катта ёрдами ва доимий ғамхўрликлари туфайли қўлга киритилди.

Бу йил пахта теримининг долзарб пайтида Леонид Ильич Брежневнинг Ўзбекистонга келганлиги, пахтакор республикалар партия хўжалик активининг йиғилишида ўз истаклларини айтиб маслаҳатлар берганлиги барча меҳнаткашларга кенг маъқул бўлди ва улар томонидан қизғин қўлватланди, партия, совет ва хўжалик органларини қишлоқ хўжалигини йилини муваффақиятли тугаллашга сафарбар қилди.

Тожикистон, Туркманистон, Қирғизистон, Қозғистон ва Озарбайжон пахтакорлари ўртасидаги традицион социалистик мусобақа ҳам муҳим роль ўйнади. Ўзаро текширишлар ва тажриба алмашишлар Ўзбекистон деҳқонларининг юксак социалистик мажбуриятларини шараф билан бажаришларига ёрдам берди.

Республикада қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларида ҳам бу йил яхши кўрсаткичларга эришдик. Колхозлар ва совхозлар давлатга 600 минг тоннадан кўпроқ дон, шу жумладан жуда қимматли дон бўлган 200 минг тоннадан зиёдроқ шоли сотдилар.

Мева-сабзавот маҳсулотини харид қилиш планлари муддатидан олдин бажарилди. Москва, Ленинградга ва мамлакатнинг бошқа саноат марказларига 500 минг тоннадан кўпроқ сабзавот, мева, қовун-тарвуз ва узум юборилди.

Чорвачиликни ривожлантиришда ҳам бир мунча силжишлар рўй берди.

Депутат ўртоқлар! СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1974 йилги давлат плани ва СССРнинг 1974 йилги давлат бюджети СССР Олий Совети муҳокамасига тақдим қилинган эди. Бу давлат плани ва давлат бюджети Совети билан Миллатлар Советининг иккинчи қўшма мажлиси бўлди.

Залда жуда кўп меҳмонлар — Москва ва пойтахт области меҳнаткашларининг вакиллари, Совет Иттифоқидаги чет эл дипломатлари, журналистлар ҳозир бўлдилар.

Мажлис аҳли **Л. И. Брежнев, Ю. В. Андропов, А. А. Гречко, В. В. Гришин, А. А. Громико, А. П. Кириленко, Ф. Д. Кулаков, Д. А. Кунаев, К. Т. Мазуров, А. Я. Пельше, Н. В. Подгорний, Д. С. Полянский, М. А. Суслов, А. Н. Шелепин, П. Н. Демичев, П. М. Машеров, Б. Н. Пономарев, Г. В. Романов, М. С. Соломенцев, Д. Ф. Устинов, В. И. Долгих, И. В. Капитонов, К. Ф. Катушев** ўртоқларни гулдурос, давомли қарсаклар билан, ўринларидан туриб кутиб олдилар.

Мажлисни Миллатлар Советининг раиси депутат **Е. С. Насриддинова** очди.

Кун тартибининг биринчи моддаси — «СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1974 йилги Давлат плани тўғрисида» СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССР Госпланининг раиси депутат **Н. К. Байбаков** якунловчи нутқ сўзлади.

СССР Олий Советининг Миллатлар Совети билан Иттифоқ Совети СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг СССР Министрлар Совети тақдим этган 1974 йилги Давлат планини атрофлича кўриб чиқдилар, деди у. СССР Олий Совети палаталари план-бюджет ва тармоқ комиссияларининг хулосаларида ҳамда қўшимча докладларида ва депутатларнинг нутқларида 1974 йилги халқ хўжалик плани мамлакат экономикасини янада ривожлантириш ва халқнинг турмуш даражасини ошириш юзасидан КПСС XXIV съезди ўртага қўйган вазифаларни рўёбга чиқаришда катта қадам бўлиши таъкидлаб ўтилди. План-бюджет ва тармоқ комиссияларининг қўшимча докладларида ҳамда депутатларнинг нутқларида план тўла-тўкис маъқулланди.

Шу билан бирга СССР Олий Совети палаталарининг план-бюджет ва тармоқ комиссиялари ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини янада оширишга ва экономикамиз ривожини интенсивлашга, шунингдек биринчи галда ишлаб турган қувватлардан яхшироқ фойдаланиш ва янги қувватларни тезроқ ўзлаштириш, моддий ва молия ресурсларидан рационал фойдаланиш, иш вақтининг нобуд бўлишини тугатиш ҳисобига халқ хўжалигидаги мавжуд резервлардан янада тўлароқ фойдаланишга қаратилган бир қанча муҳим таклифларни киритдилар.

Бу резервлардан, фойдаланиш ҳамма корхоналар, қурилишлар, колхозлар, совхозлар, ташкилотлар ва муассасаларнинг хўжалик фаолиятини яхшилашни, давлат план интизомининг даражасини оширишни талаб қилади. Бу вазифани КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг сессия арафасида бўлиб ўтган пленумида яна бир карра таъкидлаб ўтди.

Моддий ресурсларни янада тежаб-тергаб сарфлаш ва уларни нормаллашда тартиб ўрнатиш зарурлиги тўғрисида план-бюджет комиссияларининг қўшимча докладларида ва депутатларнинг нутқларида баён этилган таклифларни ҳар томонлама қўллаб-қувватласа арзийди. Бу — катта ва муҳим масаладир. Шу сабабли СССР министрликлари ва идоралари ҳамда иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари моддий ресурсларни тежаб-тергаб сарфлашга эътиборни кучайтиришлари ва партия XXIV съезднинг шу масала юзасидан белгилаб берган топшириқлари бажарилишини таъминлаш учун конкрет чораларни кўришлари лозим. Ҳар соҳада тежамкор бўлиш корхоналар, қурилишлар, колхоз ва совхозлар коллективлари фаолиятининг қонуни бўлиб қолиши керак.

План-бюджет ва тармоқ комиссиялари ўз хулосаларида капитал қурилиш ишини яна яхшилаш ҳамда асосий фондларни ва ишлаб чиқариш қувватларини ишга туширишни жадаллаштириш зарурлигини таъкидладилар.

Шу сессиянинг ўзида таъкидлаб ўтилганидек, деди сўзини давом эттириб Н. К. Байбаков, капитал маблағларни концентрациялаш соҳасидаги тадбирлар 1973 йилда асосий фондларни ва ишлаб чиқариш қувватларини ишга туширишни жадаллаштириш имконини берди. Бироқ халқ хўжалигини янада ривожлантириш вазифалари капитал қурилишни ташкил этишни яхшилашни, уни янги, янада юксак погонага кўтаришни талаб қилади. Қурилиш министрликлари билан заказчи министрликлар энг муҳим объектларни қуришни ташкил этиш ва шу тарзда ишга тўширилиадиган энг муҳим объектлардаги ишларни бажаришнинг аниқ графигини тузиб олиш ва шу графикнинг бажарилишини таъминлаш масалаларини синчиклаб кўриб чиқишлари зарур.

Иттифоқ Совети план-бюджет ва тармоқ комиссияларининг қўшимча докладларида тармоқлараро

СОВЕТЛАР МАМЛАКАТИНИНГ ЮКСАК МАРРАЛАРИ

(Бошқ иккинчи бетда).

Шу сессияда хўжалик ва маданий қурилишнинг бошқа муҳим масалалари юзасидан ҳам таклифлар киритилди. Кўпгина депутатлар айрим министрликлар, СССР Госплани ва бошқа ташкилотлар номига бир қанча танқидий мулоҳазалар айтишди.

СССР ҳукуматининг топшириғига биноан ижозатингиз билан шуни маълум қиламанки, халқ хўжалик планига доир ҳамма таклифлар ва мулоҳазалар эътибор билан кўриб чиқилади ва улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинади.

СССР Министрлар Совети, СССР Госплани, СССР Госснаби, министрликлар ва бошқа ташкилотлар планни бажариш жараёнида халқ хўжалигидаги қўшимча резервларни аниқлаш ва улардан ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун фойдаланиш соҳасидаги ишни давом эттирадилар.

Н. К. Байбаков ўз сўзининг охирида бундай деди: 1974 йилги халқ хўжалик планини муҳокама қилиш вақтида экономикамизни ривожлантиришнинг энг муҳим масалалари синчиклаб ва танқидий кўз билан кўриб чиқилди, бу эса халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида катта-катта резервлар борлигини кўрсатди. беш йилликни бажариш давомида ана шу резервлардан фойдаланиш зарур. Совет халқи Коммунистик партия раҳбарлигида тўққизинчи беш йилликнинг тўртинчи йилида — 1974 йил халқ хўжалик плани топшириқларини муваффақиятли равишда тўла ва ошириб бажаради, бу эса беш йилликни муваффақиятли тугаллаш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Бунга шак-шубҳа йўқ.

СССР Олий Совети СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1974 йилги Давлат плани тўғрисидаги Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Қонунини палаталар бўйича алоҳида-алоҳида овоз бериб, якдиллик билан қабул этди.

Кун тартибининг иккинчи масаласи — «СССРнинг 1974 йилги Давлат бюджети тўғрисида ва СССРнинг 1972 йилги Давлат бюджетининг ижроси ҳақида» СССР молия министри депутат **В. Ф. Гарбузов** якунловчи нутқ сўзлади.

Иттифоқ Совети билан Миллатлар Советининг план-бюджет ва тармоқ комиссиялари ҳамда сессияда сўзга чиққан депутатлар СССРнинг 1974 йилга мўлжалланган ва СССР Олий Совети тасдиғига тақдим этилган Давлат бюджетини тўла-тўкис ва якдиллик билан маъқулладилар. Палаталарнинг комиссияларида бюджетнинг муҳокама қилиниши ва СССР Олий Совети сессиясида кўриб чиқилиши шуни кўрсатдики, СССРнинг 1974 йилги Давлат бюджети партия XXIV съездининг ва КПСС Марказий Комитети Пленумларининг қарорлари асосида тузилган бўлиб, экономика ва маданиятни янада юксалтириш, совет халқининг фаровонлигини ошириш ҳамда мамлакат мудофаасини мустаҳкамлаш юзасидан планда кўзда тутилган тадбирларнинг бажарилишини пул ресурслари билан таъминлайди.

СССР Молия министрлиги план-бюджет ва тармоқ комиссияларининг ҳамда депутатларнинг ҳамма мулоҳазалари ва таклифларини синчиклаб кўриб чиқади, тегишли чораларни белгилайди, зарур ҳолларда эса СССР Министрлар Советига маълум қилади.

КПСС Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган Пленуми, деди сўзини давом эттириб В. Ф. Гарбузов, 1974 йилги планнинг тўла ва ошириб бажарилиши умуман беш йилликни муваффақиятли тугаллаш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади, мамлакатнинг иқтисодий потенциалини янада ўстириш учун, халқнинг моддий фаровонлигини ва маданий даражасини ошириш учун шароит яратади деб ҳисоблади.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми иттифоқдош республикаларнинг Коммунистик партиялари Марказий Комитетларига, ўлка ва область партия комитетларига, барча партия ташкилотларига КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумдаги нутқига амал қилиб, коммунистларни, комсомолларни ва барча меҳнаткашларни 1974 йилги халқ хўжалик планини бажаришга сафарбар қилиш ишини қизитиб юборишни таклиф этди.

Мамлакатимиз беш йилликнинг тўртинчи йилига завқ-шавқ билан қадам қўймоқда. Коммунистик партиянинг даъватига биноан ишлаб чиқаришни юксалтириш суръатларини тезлаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш, тўққизинчи беш йилликни муваффақиятли бажариш учун бошланган умумхалқ ватанпарварлик ҳаракати кун сайин кенгайиб, мустаҳкамланиб бормоқда. Бу эса 1974 йил планнинг топшириқлари тўла ва ошириб бажарилишига, совет халқи партия XXIV съезди қарорларини амалга ошириш йўлида янги қадам қўйишига бўлган қатъий ишончни кучайтиради.

Депутатлар СССРнинг 1974 йилги Давлат бюджети тўғрисидаги Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Қонунини палаталар бўйича алоҳида-алоҳида овоз бериб тасдиқладилар. СССРнинг 1974 йилги Давлат бюджети палаталарнинг план-бюджет ва тармоқ комиссиялари тузатишлари ҳисобга олинган ҳолда даромадлар бўйича 194.300.866 минг сўм ва ҳаражатлар бўйича 194.088.010 минг сўм миқдорида, даромадлар ҳаражатлардан 212.856 минг сўм ошиқ қилиб тасдиқланди.

Халқ хўжалигини пул билан таъминлаш — оғир саноатни, қурилиш индустриясини, енгил саноатни ва озиқ-овқат саноатини, қишлоқ хўжалигини, транспортни, уй-жой-коммунал хўжалигини ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ривожлантиришга жами 95.118.028 минг сўм, социал-маданий тадбирларга жами 70.383.122 минг сўм, шу жумладан давлат социал страхованиеси бюджетидан 22.445.674 минг сўм ҳаражат қилинади.

Мамлакат мудофаасига 1974 йилда 17.650.000 минг сўм маблағ ажратилади.

КПСС XXIV съездининг Директиваларига биноан келгуси йилда совет халқининг фаровонлигини янада ошириш юзасидан беш йиллик планда кўзда тутилган тадбирларни амалга оширишга йиллига 15.760.000 минг сўм ажратилади, шундан 5.070.000 минг сўми 1974 йилдан бошлаб амалга ошириладиган тадбирларга сарф қилинади.

Қонунда иттифоқдош республикаларнинг Давлат бюджетлари белгилаб берилган.

СССР Олий Совети СССРнинг 1972 йилги Давлат бюджетининг ижроси ҳақидаги ҳисоботни тасдиқлади.

Шундан кейин сессия кун тартибининг учинчи моддасини кўриб чиқишга — СССР Олий Совети Президиумининг Фармонларини тасдиқлашга ўтди. Бу масала юзасидан СССР Олий Совети Президиумининг Секретари депутат **М. П. Георгадзе** доклад қилди.

СССР Олий Совети Президиуми, деди у, СССР Олий Советининг олтинчи сессиясидан кейин ўтган давр ичида халқ хўжалигини янада ривожлантиришга, совет кишиларининг фаровонлигини оширишга, социалистик қонунчиликни ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга қаратилган бир қанча Фармонларни қабул қилди. Докладчи ана шу Фармонлар қабул қилиниши зарур бўлганлигини асослар берди.

Олий Совет СССР Олий Совети Президиумининг Фармонларини тасдиқлаб, тегишли қонунлар ва қарорларни қабул қилди.

Саккизинчи чақириқ СССР Олий Советининг еттинчи сессияси кун тартиби тугади. Сессия ёпиқ деб эълон қилинади.

(ТАСС).

СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИНИНГ ҚОНУНИ

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АЙРИМ ОРГАНЛАРИНИ ҚАЙТА ТУЗИШ ВА ЯНГИДАН ТУЗИШ ТЎҒРИСИДАГИ ФАРМОНЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА ҲАМДА СССР КОНСТИТУЦИЯСИ (АСОСИЙ ҚОНУНИ)НИНГ 70 ВА 77-МОДДАЛАРИГА ТЕГИШЛИ ҚУШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети **қарор қилади:**

СССР Олий Совети Президиумининг:

«СССР Министрлар Совети ҳузуридаги ихтиролар ва кашфиётлар ишлари комитетини ўзгартириб, СССР Министрлар Советининг ихтиролар ва кашфиётлар ишлари Давлат комитетига айлантириш тўғрисида»ги 1973 йил 20 август Фармони;

«СССР чорвачилик ва озуқа ишлаб чиқариш учун машинасозлик Умумиттифоқ министрлигини тузиш тўғрисида»ги 1973 йил 11 октябрь Фармонини тасдиқлансин.

Шунга мувофиқ СССР Конституциясига қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

70-модда «СССР Министрлар Совети фан ва техника Давлат комитетининг раиси» сўзларидан кейин «СССР Министрлар Совети ихтиролар ва кашфиётлар ишлари Давлат комитетининг раиси» сўзлари билан тўлдирилсин;

77-модда «машинасозлик» сўзидан кейин «чорвачилик ва озуқа ишлаб чиқариш учун машинасозлик» сўзлари билан тўлдирилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. ПОДГОРНИЙ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль, 1973 йил, 14 декабрь.

СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИНИНГ ҚОНУНИ

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ «ИНВАЛИДЛАРГА ВА БОҚУВЧИСИДАН АЖРАЛГАН ОИЛАЛАРГА ТЎЛАНАДИГАН ПЕНСИЯЛАРНИНГ МИҚДОРИНИ ЯНАДА ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети **қарор қилади:**

СССР Олий Совети Президиумининг «Инвалидлар ва боқувчисидан ажралган оилаларга тўланадиган пенсияларнинг миқдорини янада ошириш тўғрисида»ги 1973 йил 21 ноябрь Фармони тасдиқлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. ПОДГОРНИЙ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль, 1973 йил, 14 декабрь.

СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИНИНГ ҚОНУНИ

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ СССРНИНГ АМАЛДАГИ ҚОНУНЛАРИГА БАЪЗИ БИР ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТУВЧИ ФАРМОНЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети **қарор қилади:**

СССР Олий Совети Президиумининг:

«ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикалар меҳнат тўғрисидаги қонун асосларининг 102-моддаси иккинчи қисмини ўзгартиш тўғрисида»ги 1973 йил 10 август Фармони;

«Фан, адабиёт ва санъат асарларини нашр этиш, ижро қилиш ёки бошқа тарзда фойдаланиш учун тўланадиган пулдан олинадиган даромад солиғи тўғрисида»ги 1973 йил 4 сентябрь Фармони;

«Ҳаво транспортида портловчи ёки тез аланга олувчи моддаларни, бошқа хавфли юклар ва предметларни қонунга ҳилоф равишда олиб юрганлик учун масъулиятни кучайтириш тўғрисида»ги 1973 йил 19 сентябрь Фармони;

«Гражданларнинг косичилик—хунармандчилик касбларидан оладиган даромадларидан ундириладиган даромад солиғи миқдорини камайтириш тўғрисида»ги 1973 йил 20 сентябрь Фармони;

«ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикалар гражданлик қонунлари асосларининг 6 ва 42-моддаларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги 1973 йил 31 октябрь Фармони;

«СССРнинг баъзи бир қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 1973 йил 26 ноябрь Фармони тасдиқлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. ПОДГОРНИЙ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль, 1973 йил, 14 декабрь.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ СССР МИНИСТРЛАРИНИ ҲАМДА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ИХТИРОЛАР ВА КАШФИЕТЛАР ИШЛАРИ ДАВЛАТ КОМИТЕТИ РАИСИНИ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДАГИ ФАРМОНЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети **қарор қилади:**

СССР Олий Совети Президиумининг:

Ўртоқ Константин Никитович **Беляки**ни СССР чорвачилик ва озуқа ишлаб чиқариш учун машинасозлик министри қилиб тайинлаш тўғрисидаги 1973 йил 11 октябрь Фармони;

Ўртоқ Юрий Евгеньевич **Максаревни** СССР Министрлар Совети ихтиролар ва кашфиётлар ишлари Давлат комитетининг раиси қилиб тайинлаш тўғрисидаги 1973 йил 17 октябрь Фармони;

Ўртоқ Борис Евдокимович **Щербинани** СССР нефть ва газ саноати корхоналари қурилиши министри қилиб тайинлаш тўғрисидаги 1973 йил 11 декабрь Фармони тасдиқлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. ПОДГОРНИЙ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль, 1973 йил, 14 декабрь.

СЕССИЯ АРАФАСИДА

Халқ хўжалик плани ва Давлат бюджети лойиҳаларини олдиндан ўрганиш мақсадида тузилган қўшма тайёргарлик комиссияларининг иши ниҳоясига етай деб қолди.

Депутатлар ўн кун давомида план ва бюджетнинг тегишли бўлимларини кўриб чиқдилар, министрликлар ва идораларнинг расчетларини текширдилар, хомаки режаларини аниқлаш юзасидан ўз тавсияларини тайёрладилар.

14 декабрда Ўзбекистон ССР план-бюджет комиссиясининг ва тармоқ комиссиялари вакилларининг ялпи мажлиси бўлди. Тайёргарлик комиссияларининг раислари ўзлари қилган иш натижалари тўғрисида ахборот бердилар.

Депутатлар республика ҳукумати тақдим этган Ўзбекистон ССРнинг 1974 йилги плани ва бюджети лойиҳаларини маъқуллаш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

Доимий комиссияларнинг Ўзбекистон ССР Олий Советининг бўлажак сессияси муҳокамасига тақдим этадиган хулоса текстлари ва қўшимча докладлари маъқулланди.

(ЎзТАГ).

«КОСМОС-615» — ПАРВОЗДА

1973 йил 13 декабрда Совет Иттифоқида ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши «Космос-615» учирилди.

Йўлдошга ўрнатилган аппаратлар нормал ишламоқда. Координациялаш-ҳисоблаш маркази олинаётган ахборотларни ишлаб чиқмоқда. (ТАСС).

ЖУРНАЛХОНЛАР КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Тошкентда «Журналист» журнали ўқувчиларининг конференцияси бўлиб ўтди. Тўпланганлар ҳар бир матбуот ходимининг яхши дусти ва маслаҳатчиси бўлиб қолган ойлик журнал ҳақида кўпгина самимий сўзларни айтдилар. Журнални янада такомиллаштиришга қаратилган бир қанча истаклар ҳам билдирилди.

(ЎзТАГ).

«ПРАВДА» ГАЗЕТАСИ МУХБИРИНИНГ САВОЛЛАРИГА А. А. ГРОМИКОНИНГ ЖАВОБЛАРИ

«Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашига доимий аъзо бўлган давлатларнинг ҳарбий бюджетларини 10 процент қисқартириш тўғрисида ва тежалган маблағларнинг бир қисмини ривожланаётган мамлакатларга ёрдам бериш учун фойдаланиш ҳақида» Совет Иттифоқи томонидан киритилган таклифи, маълумки, яқинда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси маъқуллаб, тегишли резолюция қабул қилди.

«Правда» мухбири шу масала хусусида КПСС Марказий Комитет.. Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громикога мурожаат қилди.

А. А. Громиконинг «Правда» мухбирига берган жавоблари қуйида эълон қилинади.

Савол: совет таклифини муҳокама қилишнинг боришига ва шу таклифни овозга қўйиш натижаларига, Сизнинг фикрингизча, қандай баҳо бермоқ керак?

Жавоб: Совет Иттифоқи бу таклифни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси каби кенг халқаро анжуман муҳокамасига киритган экан, бунда КПСС XXIV съезди қабул қилган Тинчлик программасида қўйилган вазифаларни — тинчликни таъминловчи мустаҳкам гарантиялар вужудга келтиришга, кескинликни юмшатишга, тинч ҳамкорликни кенг ривожлантиришга ёрдамлашмоқ учун ҳамма чораларни кўриш керак, деган вазифаларни назарда тутди.

Бу йўлда шу дамгача кўпгина ишлар қилинди, ҳозирги кунда комил ишонч билан айтиш керакки, халқаро сиёсий иқлимни соғломлаштириш жараёни кучайиб бормоқда. Бу эса бир қанча актуал вазифаларни ҳал этиш учун, шу жумладан, қуролсизланиш соҳасидаги проблемаларни ҳал этиш учун ҳам қулайроқ объектив шароит яратиб бермоқда. Ҳаммa гап давлатларнинг сиёсатига ва аввало — энг кўп ҳарбий ва иқтисодий потенциалга эга бўлган катта мамлакатларнинг сиёсатига боғлиқ бўлиб турибди.

Биз қилган таклифларнинг моҳияти ҳамма халқларга тушунарли ва яқин. Бу таклиф энг кўп ҳарбий ҳаражатлар қилаётган йирик давлатларнинг манфаатларига ҳам, иқтисодий тараққиёти қўшимча мадад олиши мумкин бўлган ривожланаётган мамлакатларнинг манфаатларига ҳам мос бўлиб тушади. Бизнинг таклифларимиз халқаро кескинликни янада ювшатиш вазифаларига мос бўлиб тушаётганлигини айтиб ўтишнинг ҳожати йўқ.

Шу сабабли Бош Ассамблея сессиясида совет таклифини муҳокама қилиш кенг мунозарага айланиб кетганлиги ва бу мунозарада саксондан кўпроқ давлатларнинг вакиллари қатнашиб, бизнинг ташаббусимизни қўллаб-қувватлаганликлари жуда тушунарли бир қолдир. Бирлашган Миллатлар Ташкилотида вакиллари қатнашаётган давлатлар катта кўпчилигининг совет таклифига бўлган муносабати овозга қўйиш натижаларида ўзининг яққол ифодасини топди. Саксон учта мамлакатнинг делегациялари бизнинг таклифимизни ёқлаб овоз беришди. Фақат икки делегация — Хитой ва Албания делегацияларигина бизнинг таклифимизга қарши овоз бериб, бу билан шу мамлакатларнинг позицияси ҳозирги дунёда устунлик қилиб турган кайфиятлардан нақадар узоқ эканлигини яққол намойиш қилди.

Савол: Бош Ассамблея резолюциясини амалда тадбиқ қилиш қандай аҳамиятга эга бўлади?

Жавоб: қабул қилинган қарорнинг амалга оширилиши халқаро вазиятга катта ижобий таъсир ўтказган бўлур эди. КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежнев тинчликсевар кучларнинг Москвадаги конгрессида сўзлаган нутқида кескинлик ювшатилганлиги ва тинчлик мустаҳкам бўлиши учун қуролланиш пойгасини тўхтатиш зарур ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг XXVIII сессиясига киритилган совет таклифи ҳам шу мақсадга хизмат қилади, деб уқтириб ўтди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Хавфсизлик Кенгашига доимий аъзо бўлган давлатларнинг — Совет Иттифоқи, Америка Қўшма Штатлари, Англия, Франция ва Хитойнинг ҳарбий бюджетларини қисқартиш қуролланишни чеклаб қўйиш ишига қўшилган жиддий қисса бўлур эди, зеро «ҳарбий ҳаражатларнинг ўн процентга» деган ибора замонавий емирувчи қуролнинг жуда кўп мавжуд қисмини ўз ичига олади.

Ҳозирги вақтда жаҳонда кескинлик юмшаётгандиги, шундай қилиб, ҳарбий кескинликни юмшатиш чоралари билан ҳам мустаҳкамланган бўлур эди.

Юз ва юз миллион сўмлаб, долларлаб, фунт стерлинглаб ва шу каби пуллар билан ҳисобланаётган маблағлар тинч, бунёдкорлик мақсадларига ажратиб берилган бўлур эди. Бунда шуни уқтириб ўтиш зарурки, Совет Иттифоқининг таклифига мувофиқ ҳарбий ҳаражатларни қисқартиришни хавфсизлик кенгашининг доимий аъзолари бўлган ҳамма давлатлар, такрор айтамизки, ҳамма давлатлар амалга оширишлари лозим.

Ҳарбий бюджетларнинг қисқартирилганлигидан ўз бюджетларини қисқартираётган катта мамлакатларгина эмас, шу билан бирга ўзларининг тинчлик эҳтиёжлари учун қўшимча маблағлар олишлари мумкин бўлган ривожланаётган мамлакатлар ҳам манфаатланган бўлур эдилар. Осиё, Африка, Латин Америкаси мамлакатлари учун, шу мамлакатлар экономикасини юксалтириш ва шу мамлакатлар халқларининг турмуш даражасини ошириш учун бу маблағлар нақадар катта мададкор бўлиши тўғрисида гапириб ўтишнинг ҳожати бўлмаса керак.

Бош Ассамблеянинг мазкур қарори қандай қилиб амалга оширилишини ҳозирча айтиш қийин. Бу қарорнинг амалга оширилиши тинчликни ва хавфсизликни сақлаб туриш учун асосий масъулиятни ўз зиммасига олган давлатлар Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлган давлатлар шу қадар якдиллик билан қабул қилган резолюцияни ҳеч сўзсиз ва ҳалол бажаришга ўзларининг нечоғлик тайёр эканликларини кўрсатишларига боғлиқдир. Аммо Хавфсизлик Кенгашига доимий аъзо бўлган у ёки бу давлат халқларнинг очиқ-равшан ифодаланган иродаси билан ҳисоблашмаса ўз зиммасига оғир масъулият олган бўлур эди.

Ҳар сафар бўлганидек бу сафар ҳам Совет Иттифоқи — Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг шу қарори муносабати билан — ўзининг обрўйи ва нуфузидан халқлар тинчлиги ва тараққиёти манфаатлари йўлида фойдаланади.

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ ҲИНДИСТОНГА ҚИЛГАН ВИЗИТИ ТЎҒРИСИДАГИ МАТЕРИАЛЛАР ТЎПЛАМИ

Сиёсий адабиёт нашриёти КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми аъзоси Л. И. Брежневнинг Ҳиндистонга қилган визити тўғрисидаги материаллар тўпламини нашр этди. Бу тўпламда Л. И. Брежнев билан Ҳиндистон Бош министри Индира Гандининг нутқлари, визит чоғида имзоланган Совет — Ҳиндистон қўшма ҳужжатлари, ўртоқ Л. И. Брежневнинг Ҳиндистон давлат арбоблари билан, Коммунистик партия раҳбарлари билан, шунингдек Ҳиндистон жамоатчилиги намояндалари билан учрашувлари тўғрисидаги ахборотлар ва бошқа ҳужжатлар бор.

Тўпламда «Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Ҳиндистонга қилган визити якунлари тўғрисида» КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Советининг қарори эълон қилинган. Китобнинг биринчи саҳифаси мазкур қарордан олинган қуйидаги сўзлар билан бошланади: «Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Ҳиндистонга қилган визити якунлари КПСС Марказий Комитети апрель Пленумида қўйилган вазифага — халқаро вазиятда эришилган қулай ўзгаришлар муқаррар тус олишига эришиш вазифасига тўла-тўкис мувофиқдир».

(ТАСС).

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

Тошкент телестудиясининг ҳафталик программаси

17 ДЕКАБРЬ, ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 16.35 — МОСКВА. 16.40 — Янгиликлар. 16.50 — Ватанимиз тарихидан очерклар. 17.20 — Ўқув кўрсатуви. 18.00 — ТОШКЕНТ. 18.05 — Мультфильм. 18.15 — Ҳужжатли фильм. 18.35 — Пахтачиликда техника тараққиёти. 19.05 — Ахборот. 19.20 — Иваново области — Ватана рапорт беради (Москва). 20.10 — Оламда нима гап? 20.30 — Ёзувчи ва замон. 21.00 — Ахборот. 21.20 — Концерт. 22.00 — МОСКВА. «ВАҚТ». 22.30 — Бокс бўйича халқаро турнир. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 18.00 — МОСКВА. 18.30 — Ҳужжатли фильм. 18.50 — Музикали программа. 19.20 — Ҳужжатли фильм. 20.10 — Эстрада концерти. 20.50 — **Дўндиқча** (бадиий фильм). 22.00 — Телефильм. 22.15 — **Олтин** (бадиий фильм). УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 18.00 — ДУШАНБА КЎРСАТУВЛАРИ.

18 ДЕКАБРЬ, СЕШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 16.30 — МОСКВА. 16.35 — Янгиликлар. 16.45 — Рус тили. 17.30 — Фан оламида. 18.00 — Болалар учун кўрсатув. 18.30 — ТОШКЕНТ. 18.35 — Телевизион қўғирчоқ театри. 19.05 — Мультфильм. 19.15 — Ахборот. 19.30 — Қишлоқ хўжалиги билимлари телевизион халқ университети. 20.00 — Ўн минут музика. 20.10 — Ахборот. 20.30 — «ЧАШМА». 22.00 — «ВАҚТ». 22.30 — Кинокўрсатув. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 11.00 — ТОШКЕНТ. Телеспектакль. 12.25 — Гафур Гулом — поэзиямиз отахони. 18.30 — МОСКВА. 19.00 — Спорт кундалиги. 19.30 — «Жасорат». 20.00 — Телефильм. 20.55 — **Одам боласи бўл** (бадиий фильмнинг биринчи серияси). 22.00 — Ҳужжатли фильм. 22.30 — Музикали программа. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — Тошкент янгиликлари. 19.15 — Телефильм. 19.30 — Ўқув кўрсатуви. 20.10 — Концерт. 20.40 — **Уша кунларда** (бадиий фильм).

19 ДЕКАБРЬ, ЧОРШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 17.40 — МОСКВА. 17.45 — Янгиликлар. 17.55 — ТОШКЕНТ. 18.00 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 18.25 — Ахборот. 18.40 — Миллиончилар ленинча университети. 18.55 — МОСКВА. **Хоккей:** ЧССР — ШВЕЦИЯ. 21.15 — ТОШКЕНТ. Ахборот. 21.30 — Концерт. 22.00 — МОСКВА. «ВАҚТ». 22.25 — **Хоккей:** ФИНЛЯНДИЯ — СССР. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 11.00 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари. 17.55 — МОСКВА. 18.25 — Москва ва москваликлар. 18.55 — **Дворян Чертопхановнинг ҳаёти ва ўлими** (бадиий фильм). 21.15 — «Қўшнилар». 22.00 — ТОШКЕНТ. Пабло Неруда ижоди. 22.30 — **Қондасиз ўйин** (бадиий фильм). УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — Тошкент янгиликлари. 19.15 — Ҳужжатли фильм. 19.30 — Ўқув кўрсатуви. 20.00 — Ҳужжатли фильм. 20.40 — **Она ерим — масканим менинг** (телеспектакль).

20 ДЕКАБРЬ, ПАЙШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.30 — МОСКВА. 18.30 — ТОШКЕНТ. 18.35 — Студентлик — олтин даврим. 19.15 — Ахборот. 19.30 — Миллиончилар ленинча университети (Москва). 20.00 — Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари ҳиноя қиладилар. 20.40 — Ахборот. 21.00 — **Дилором** (опера). 22.00 — «ВАҚТ». 22.30 — **Дилором** (операнинг давоми). ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 11.00 — ТОШКЕНТ. 11.30 — Ўқув кўрсатувлари. 18.30 — МОСКВА. 19.30 — Ўзбекистон комсомолининг X съезди шарафига (Тошкент). 20.00 — Концерт. 20.20 — **Одам боласи бўл** (бадиий фильмнинг 2-серияси). 22.00 — Турмуш ва маданият (Тошкент). 22.30 — Ёзувчи Сергей Залигин ижодининг саҳифалари. 23.10 — Концерт. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — Тошкент янгиликлари. 19.15 — **Тоғлик қасоскорлар** (бадиий фильмнинг 1 серияси). 20.30 — Беш йиллик маршрутлари бўйлаб. 20.50 — Эстрада концерти. 21.20 — Ҳужжатли фильм.

21 ДЕКАБРЬ, ЖУМА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.30 — МОСКВА. 18.30 — ТОШКЕНТ. 18.35 — Мультфильм. 18.45 — АХБОРОТ. 19.00 — «Ўзбекистон чорвадори». 19.30 — Социализм дунёси (Москва). 19.55 — Ота-оналар университети. 20.30 — Ўн минут музика. 20.40 — Ахборот. 21.00 — «БЎСТОН». 22.00 — МОСКВА. «ВАҚТ». 22.25 — **Хоккей:** СССР — ЧССР. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 18.30 — МОСКВА. 19.00 — Концерт. 19.30 — Инсон ва қонун. 19.55 — Ҳужжатли фильм. 20.10 — **Ерқин йўл** (бадиий фильм). 22.00 — ТОШКЕНТ. 22.30 — **Душанбагача омон бўлсак** (бадиий фильм). УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — Тошкент янгиликлари. 19.15 — **Тоғлик қасоскорлар** (бадиий фильмнинг 2-серияси). 20.40 — Ҳужжатли фильм. 21.10 — Телеспектакль.

22 ДЕКАБРЬ, ШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 9.55 — ТОШКЕНТ. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Қўғирчоқ фильм. 10.20 — **Телеминиатюралар.** 11.00 — МОСКВА. 11.05 — Янгиликлар. 11.10 — Қўғирчоқлар магазинида. 11.40 — Бугун — энергетиклар куни. 11.55 — Концерт. 12.40 — Ҳужжатли фильм. 13.00 — Рус рассомлари ҳақида ҳикоялар. 13.30 — Мультфильмлар. 14.00 — Кўплаб сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқарайлик. 14.30 — Ота-оналар, сизлар учун. 15.00 — Концерт. 15.30 — **Адабий учрашувлар.** Пабло Неруда. 16.15 — Концерт. 16.45 — «Здоровье». 17.15 — ТОШКЕНТ. 17.20 — Телефильм. 17.30 — «Войчечак». 18.00 — Ахборот. 18.15 — Бугун — энергетиклар куни. 18.25 — Ўн минут музика. 18.35 — «Коммунист» программаси. 20.05 — Ахборот. 20.25 — **Экран хандаси.** 22.00 — «ВАҚТ». 22.30 — Ҳужжатли фильм. 22.50 — **Булутлар кафтимда** (бадиий фильмнинг 1-серияси). ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 10.30 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари. 17.15 — МОСКВА. 18.15 — Мўъжизасиз мўъжизалар. 19.15 — Цирк саҳнасида. 20.00 — **Турли-туман одамлар** (телеспектакль). 20.10 — Шу куннинг куйлари. 22.00 — Ҳужжатли фильм. 22.30 — Концерт. 23.30 — Сузиш бўйича мусобақалар. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 18.00 — ТОШКЕНТ. **Баскетбол:** «УНИВЕРСИТЕТ» (Тошкент) — «СПАРТАК» (Николаев). 19.25 — ДУШАНБА КЎРСАТУВЛАРИ.

23 ДЕКАБРЬ, ЯКШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 9.25 — ТОШКЕНТ. 9.30 — Янгиликлар. 9.40 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 10.30 — Санъат гунчалари. 11.00 — МОСКВА. 11.05 — Янгиликлар. 11.10 — «Будильник». 11.40 — Телеспектакль. 12.10 — Музикали киоска. 12.40 — Москванинг чет эллик меҳмонлари. 13.00 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 14.00 — Мультфильмлар. 14.30 — Музика ҳақида суҳбат. 16.30 — **Оқ тунлар** (бадиий фильм). 18.05 — Халқаро панорама. 18.35 — ТОШКЕНТ. 18.40 — Қиш табассуми. 19.10 — Ахборот. 19.30 — **Телеминиатюралар.** 20.10 — Ахборот. 20.30 — «ЧАШМА». 22.00 — «ВАҚТ». 22.30 — Меҳнат қаҳрамонлари ҳақида ҳикоялар. 22.45 — **Булутлар кафтимда** (бадиий фильмнинг 2-серияси). ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари. 18.35 — МОСКВА. Концерт. 19.05 — **Киносаёҳатчилар клуби.** 20.10 — **Турли-туман одамлар** (телеспектакль). 20.30 — Янгра, баяним. 22.00 — Киноэкран янгиликлари. 22.30 — Телефильм. 23.50 — Сузиш бўйича мусобақалар. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 16.30 — ФРУНЗЕ КЎРСАТУВЛАРИ.

Қиш фаслида пойтахт меҳнаткашлари дастурхонини хилма-хил сабзавот маҳсулотлари билан таъминлашда Калинин районидаги Охунбобоев номли колхоз теплица хўжалиги коллективининг ҳиссаси катта бўляпти. Улар бу йил 100 тонна маҳсулот етиштириш мажбуриятини олиб фидокорона меҳнат қилишяпти. Суратда: теплица хўжалиги илғор ходимларидан опа-сингил Зарифа ва Шоира Қурбоновалар. **Ж. Тўраев** фотоси.

АХБОРОТ

Қорақалпоғистон АССР

Юбилей шарафига

Қорақалпоғистон Автоном Республикасининг Россияга қўшилганига 100 йил тўлиши муносабати билан қорақалпоқ олим ва деҳқонлари, ёзувчи ва қурувчилари, нашриёт ходимлари юбилей совғалари тайёрламоқдалар. Завод ва фабрикаларда, маданият саройлари ва кутубхоналарда республиканинг ўтмиши ва келажагини акс эттирувчи кўргазмалар ташкил қилинди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Қорақалпоғистон филиалида, илмий-тадқиқот институтларида ва Т. Шевченко номли Қорақалпоғистон Давлат педагогика институтида улуғ санага бағишланган суҳбат ва докладлар, савол-жавоб кечалари ўтказилди. «Қорақалпоғистон» нашриёти республика халқ шоири Тилеуберган Жумамуродов ва С. Камолов, Р. Қўсбергенов, И. Қўсимбетовларнинг асарларини чоп этди.

«Оқ олтин» сафари

Автоном республика саноат корхоналарида ишлаб чиқарилаётган турли хил маҳсулотларнинг баъзилари чет мамлакатларда ҳам машҳур. Яқинда қорақалпоқ далаларида етиштирилган «оқ олтин»и толаси Болгария, Польша, Германия Демократик Республикаси, Югославия Социалистик Федератив Республикаси ва Японияга экспорт қилинди.

Балиқчилар ғалабаси

Жанубий Орол балиқчилари бу йил катта ғалаба қозондилар. Улар давлатга пландан ортиқ 81 минг центнер балиқ сотишди. Бунга «Память Ленина», «Октябрь 40 йиллиги», «Амударё» колхозларининг балиқчилари, «Учсой», «Қозоқдарё», «Мўйноқ» балиқ заводларининг ишчилари катта ҳисса қўшдилар.

Сифат учун мукофот

Қорақалпоғистон область партия комитети, автоном республика Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Совети қурилиш объектларини белгиланган муддатда фойдаланишга топшириш ва уларнинг сифатини яхшилаш мақсадида учта мукофот таъсис этди. Биринчи мукофотга 5 минг сўм пул, учта «Москвич» енгил машинаси ва учта «Урал» мотоцикли, иккинчи мукофотга 3 минг сўм пул, иккита «Москвич» енгил машинаси, ва иккита «Урал» мотоцикли ва учинчи мукофотга минг сўм пул, бир «Москвич» машинаси ва битта «Урал» мотоцикли берилади.

Бу мукофотлар келаси йилдан ҳар 6 ойда тақдим қилинади.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ФЕСТИВАЛЬ ТУГАДИ

Тошкент политехника институтининг студентлари театри — СТЭМП «Кулгили йигирма ёш» деган янги постановкани намойиш қилди. СТЭМП ташкил этилганлигининг 20 йиллигига бағишланиб Ўзбекистон пойтахтида ўтказилган мамлакатимиздаги политехника олий ўқув юртлари студентлар миниатюр театларининг фестивали тугади.

Москва, Куйбишев, Новосибирск, Иркутск, Днепропетровск, Челябинск студентлари юбиляр ҳузурига меҳмон бўлиб келишди. Ҳаваскор артистлар етти кун мобайнида Тошкентнинг энг яхши концерт залларида ва театрларида ўз санъатларини намойиш этдилар. Улар студентлар ҳаётидан олинган саҳналарни, совет авторлари ва рус адабиёти классикларининг саҳналаштирилган сатирик асарларини ижро этишди.

СТЭМП меҳмонлари тўпланган ижодий тажрибаларини ўртоқлашдилар, саноат корхоналарининг ёш ишчилари билан учрашдилар, Тошкент институтларида бўлдилар. (ЎзТАГ).

МАШҒУЛОТЛАР БОШЛАНДИ

НУКУС, («Совет Ўзбекистони» мухбиридан). Сўнгги йилларда Қорақалпоғистон Автоном республикасида халқ университетлари бирмунча кўпайди. Тингловчилар сони ҳам ортди. Ҳозир биргина Нукус шаҳрининг ўзида ўнлаб халқ университетлари ишлаб турибди. Ун комбинати қошида ташкил қилинган бир йиллик «Соғлиқни сақлаш университети» дастлабки машғулотни пухта тайёргарлик билан бошлаб юборди. Бу университетнинг режалари ҳақида Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССРда хизмат кўрсатган врач, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Урозимбет Холмуродов гапириб берди.

Врач М. Тажимуротов «Одам анатомияси ва физиологияси», врач Я. Собиров «Медицина ва дин» ҳақида лекциялар ўқишди. Лекциялар кўргазмали қуроллар асосида ўтяпти.

Оила даврасида мутолаа

ХУШХЎР, МАЗАЛИ...

Балиқ гўшти хушхўр, мазали таом. Гарчанд оз бўлса-да, кунда истеъмол қилиш организмнинг нормал ўсиши ва ривожланишини таъминлайди. Балиқ маҳсулотлари ўзининг биологик хусусияти билан бирга осон ва тез ҳазм бўлувчи бағубор овқат бўлганлиги туфайли бемор ва кексаларга кенг тавсия этилади.

Балиқ гўштини Абу Али ибн Сино ҳам меъда ва ҳазм аъзолари сусайган беморларга тавсия этган. Баъзи маълумотларда биргина балиқнинг ўзи билан доимий ва узлуксиз овқатланиш бирор касалликка олиб келмаслиги, аксинча, кишилар соғлом ва бақувват бўлишлари кўрсатилган. Ҳозир ҳам Латин Америкаси ва Африканинг денгиз ва океан соҳилларига жойлашган аҳолисининг аксарият қисми, асосан, балиқ билан кун кечиради. Кўпгина миллатлар балиқдан йигирма хилдан ортиқ иссиқ, ўттиздан зиёд совуқ овқатлар тайёрлашади.

Ҳар қандай овқатли маҳсулотнинг биологик хусусияти унинг кимёвий таркибига боғлиқ. Балиқ гўшти ўз таркибида турли хилдаги керакли моддаларни сақлаши билан бебаҳо ва жуда ҳам зарур маҳсулот ҳисобланади. Балиқ гўшти таркибида оқсил моддалар кўп. Унинг миқдори 16—20 процентга етади. Мойлар ўртача ўттиз процент, қолган қисмини сув, витамин ва турли хилдаги минерал тузлар ташкил этади.

Шуни айтиш керакки, балиқ оқсили қимматли ва ҳаёт учун жуда зарур бўлган моддаларга киради. Бундай сифатли оқсил моддалари фақат гўшт, тухум, сут ва сут маҳсулотларидагина бўлиши мумкин. Балиқда оқсил моддалари гўштга нисбатан кўпроқ бўлади. Бу оқсилнинг таркибида организмнинг ўсиши учун зарур бўлган аминокислоталардан — триптофан, тирозин ва метионин гўштга нисбатан икки марта кўп. Балиқ оқсили ўзида аминокислоталарни кўп сақлаши билан сигир сутидан ҳам устунлик қилади. Шунинг учун ҳам балиқ гўшти болаларга энг яхши ва сифатли маҳсулот — сут қаторида кенг истеъмол қилиш тавсия этилади.

Кексаларда тишларнинг етарли бўлмаслиги, баъзан ёшлар ўртасида ҳам тишнинг сурункасига оғриши натижасида гўшт истеъмол қилишдан анча чекланиб қолинадиган ҳолатлар учраб туради. Бундай кишилар балиқ гўштидан кенг ва доимо истеъмол қилиб туришлари мақсадга мувофиқдир. Шуни эсларатиб ўтиш керакки, балиқ гўшти мол гўштининг ўрнини мутлақо боса олади.

Балиқ мойи ўзининг кимёвий таркиби билан бошқа мойлардан анчагина устун туради. Унда тез ҳазм бўлиб, модда алмашиш жараёнида актив қатнашадиган тўйинмаган мой кислотаси бошқа мойларга нисбатан кўп бўлади. Бу тўйинмаган мой кислоталарининг хусусиятлари шундан иборатки, ёғли овқатларни кўпроқ истеъмол қилиш натижасида организмда аста-секин йиғилиб, артеросклероз, яъни — қариликка олиб келувчи холестерин моддасининг кўпайишига йўл қўймайди. Демак, балиқ мойи таркибидаги моддалар организмдаги ёғ алмашиниш жараёнини тезлаштиради.

Бундан ташқари балиқ мойи саломатлик учун аҳамиятли «А» ва «Д» моддасига жуда ҳам бой. Табиатдаги барча овқатли маҳсулотлардан биронтаси ҳам ўз витамини билан балиқ маҳсулотига тенг келолмайди. Айниқса, балиқ жигарида бу модда жуда ҳам кўп. Масалан, битта 100 килограмм келадиган балиқ жигаридаги витамин «А» 25 тонна сариёғга ёки 1.5 миллион дона тухумга тўғри келади.

Балиқ мойида «B_1», «B_6», «B_{12}», «Е» каби витаминлар етарли миқдорда. Агар ҳар куни юз-икки юз грамм балиқ истеъмол қилиб турилса, витаминларга бўлган муҳтожлик бутунлай йўқолади.

Балиқ гўштида юқорида кўрсатилган сифатли оқсил моддалар, мойлар ва витаминлардан ташқари турли хилдаги маъдан туз ва микроэлементлар мавжуд. Йод балиқ гўштида жуда ҳам кўп. Инсон ҳаёти учун зарур бўлган минерал туз ва микроэлементларни ўзида сақлаган балиқни биз кундалик овқатимиз билан бирга юз граммгача истеъмол қилсак, бу моддаларга бўлган муҳтожлик батамом қопланади. Шу хусусиятларни ҳисобга олиб, балиқ маҳсулотларидан доимо истеъмол қилишга одатланиш ҳар бир кишига узоқ умр ва сиҳат-саломатлик бағишлайди.

Ҳ. ҲОШИМОВ,
медицина фанлари кандидати.

ТЕРМИЗ НЕЧА ЁШДА

Ҳозиргача бу саволга аниқ жавоб бериб бўлмади. Лекин Амударёнинг ўрта оқимидаги Термиз шаҳри мамлакатда энг қадимги шаҳарлардан бўлиб, тарихи 2 минг йилдан ошади, деб бемалол айтиш мумкин. Археологларнинг топганлари, шунингдек қадимги йилномалардаги кўпдан-кўп битиклар шундан далолат беради.

Сурхондарё область ўлкашунослик музейи директорининг ўринбосари В. А. Козловский бошчилигида бир группа археологларнинг қазишмалари натижасида ҳозир янги қизиқ маълумотлар олинди. Қаср заминига ингичка қудуқ қазиб туширилганда турли тарихий даврларга мансуб қатламлар равшан очилди. Шу қатламларнинг энг қадимгиси милоддагача II-III асрларга оид бўлиб чиқди. Топилган нарсалар шу жойда катта шаҳар бўлганлигини билдиради. Археологлар Амударёнинг иккала соҳилида жойлашган қадимги Ўрта Осиё давлатининг ўнг қисмидаги Шимолий Бақтриянинг пойтахтларидан бири бўлса керак, деган тахминни айтдилар, қасрни яна ўрганиш шу фикрнинг қанчалик тўғри эканлигини кўрсатади.

Е. ВЕЛИЧАНСКАЯ,
ЎзТАГ мухбири.

ХАЛҚ БАХШИСИ ПОРТРЕТИ

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг А. С. Пушкин номидаги тил ва адабиёт институти халқ бахшиси юртдошларининг совғаси — Эргаш Жуманбулбул ўғли портретини қабул қилиб олди.

Портретни Самарқанд область Нурота районидаги 7-мактаб-интернатининг «Моҳир қўллар» тўгараги қатнашчиси М. Бозоров ишлади.

Бахши портретини Эргаш Жуманбулбул ўғлининг ҳаёти, ижоди ва адабий меросини ўрганишга бағишланган экспозицияга қўшиб қўйишга қарор қилинди. (ЎзТАГ).

ҚЎШИМЧА СЕАНСЛАР

Қишлоқ хўжалик ва тайёрлов ишчилари ҳамда хизматчилари касаба союзи Нурота район комитетининг ўнта стационар ва кўчма кинотеатрларида чорвачиликдаги илғор тажрибага бағишланган фильмлар фестивали ниҳоясига етказилди. Сеанслар олдидан суҳбатлар ўтказилди, областдаги донгдор чорвадорлар, тажрибали зоотехниклар билан учрашувлар уюштирилди. Йўлларда ва олис аҳоли пунктларида чўпонлар ва уларнинг оила аъзолари учун юзлаб қўшимча сеанслар ташкил қилинди.

Касаба союзлари Самарқанд область совети Нурота районида чорвадорларга кино хизмати кўрсатишни ўрганиб, уни областдаги бошқа районларга ёйишни тавсия этди. (ЎзТАГ).

СПОРТ яқинликлари

● **БАСКЕТБОЛ.** «А» класси биринчи лига командаларининг СССР чемпионати давом этмоқда. Мамлакат биринчилигида иштирок этаётган Тошкент Давлат университети йигитлари ўз майдонларида қўлга киритган қўш ғалабадан кейин сафарга чиққандилар. Улар Вильнюсда маҳаллий «Статиба» коллективи билан ўйинда 79:74, 99:70 ҳисобида ютқазиб қўйишди.

● **ХОККЕЙ.** Тошкентлик бинокорчилар сафар учрашувларини ниҳоясига етказмоқдалар. «Строитель» (Темиртов) командаси билан ўйинда хоккейчиларимиз 4:2 ҳисобида ғалаба қилишди. Аммо, такрорий ўйинда мезбонлар 4:1 билан ютуққа эришдилар.

● **КЎП КУРАШ.** ВЛКСМ Марказий Комитети билан Бутуниттифоқ спорт комитети ГТО комплекси бўйича мамлакат биринчилиги мусобақалари ўтказишга қарор қилди. Мусобақалар келаси йил ўтадиган СССР халқлари III-қишки ва VI-ёзги спартакиадасини ажралмас қисми бўлиб қолади. Кўп курашда «Ватан ҳимоясига тайёр», «Коллектив шарафини улуғлайлик», «Оммавийликдан маҳоратга», «ГТО нишонидан олимпия медалига» сингари боскичлар бўлади. ГТО комплекси кўп кураши бўйича СССР биринчилиги ўтказиш ташкилий комитети составига 20 га яқин киши киритилди.

● **ФИГУРАЛИ УЧИШ.** «Москва қоғиқси» турнирида йигитларнинг якка бўлиб учишларида пойтахтлик В. Ковалев 230,98 балл билан голиблик қилди. 2—3 ўринлар Р. Шейвер (Канада) ва И. Бобрин (Ленинград)ларга лозим кўрилди.

● **ФУТБОЛ.** СССР футбол федерацияси анъанага кўра мамлакат чемпионатида иштирок этганлардан энг яхши 33 ўйинчининг номини эълон қилди. Улар орасида москвалик динамочи В. Пильгуй, А. Абрамян («Арарат»), динамочи Е. Рудаков (Киев), тбилисилик Р. Дзодзуашвили, М. Хурцилава, спартакчи С. Ольшанский, армиячи В. Капличний, спартакчи Е. Ловчев, киевлик М. Мунтян, москвалик динамочи О. Долматов ва бошқалар бор.

СССР терма командаси сафарда яна бир ўртоқлик учрашуви ўтказди. Бразилиянинг «Вила нова» командаси билан ўйинда ҳисоб очилмади.

«Спартак» кўнгилли спорт жамиятининг Тошкентдаги болалар ва ўсмирлар хоккей мактабида машғулотлар мунтазам олиб борилмоқда. Мактабда 200 дан зиёд ёш хоккейчилар шайба суриш сирларини ўрганишяпти. Мактаб ташкил этилгандан бери разрядлилар сафи 41 кишига етди. 5 хоккейчи спорт мастерлигига номзод бўлиб турибди. Ёшларга тажрибали инструктор-тренерлар устозлик қилишмоқда. Суратда: бўлажак хоккейчилар машқ ўтказишаётган пайт.

Р. Шамсуддинов фотоси. (ЎзТАГ).

Редактор ўринбосари
Х. ЕДГОРОВ.

РЕКЛАМА ва ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

1974 йил учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича аспирантурага

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

кундузги ва сиртқи ўқишга: энтомология, агролесомелиорация; **кундузги ўқишга:** мевачилик, ўсимликшунослик (пахтачилик), хусусий зоотехния;

сиртқи ўқишга: биохимия, умумий деҳқончилик, мелиорация ва суғориладиган ерлар деҳқончилиги, агрохимия, селекция ва уруғчилик, ўрмончилик, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини бошқариш ва планлаштиришни ташкил этиш ва иқтисод, бухгалтерия ҳисоби ва хўжалик фаолиятининг анализи, иқтисодий тадқиқотларда математик методлар.

Аспирантурага кирувчилар институт ректори номига ёзилган ариза билан бирга қуйидаги ҳужжатларни қўшиб топширишлари зарур: олий ўқув юртини тугатганлиги ҳақидаги дипломнинг нусхаси ва синов ведомостидан кўчирма, иш жойидан характеристика, таржимаи ҳоли, кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа (4х6 см, ҳажмдаги сурат билан бирга), матбуотда эълон қилинган илмий ишлар рўйхати ёки реферат, меҳнат дафтарчасидан нусха, соғлиги жиҳатидан аспирантурада ўқишга яроқли эканлиги кўрсатилган медицина справкаси (286-форма)

АРИЗАЛАР 1974 ЙИЛНИНГ 15 ЯНВАРИГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Кириш имтиҳонлари 1974 йил 15 январдан 15 февралгача ўтказилади.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: 702152. Тошкент область, Орджоникидзе район, «Институт» алоқа бўлими, ТашСХИ, телефон — 62-33-01.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 9.55 — ТОШКЕНТ. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Мультфильм. 10.20 — Экран ҳандаси. 11.00 МОСКВА. 11.05 — Янгиликлар. 11.10 — Болалар учун кўрсатув. 11.40 — Ҳужжатли фильм. 12.10 — Мультфильмлар. 12.40 — «Шеърият». 13.00 — Ота-оналар, сизлар учун. 13.30 — Концерт. 14.00 — «Здоровье». 14.35 — Бадиий ҳаваскорлар концерти. 15.20 — Эртан ҳақида эртак (бадиий фильм). 16.15 — Нефть саноати министри В. Д. Шашин саволларнинг саволларингизга жавоб беради. 16.45 — ТОШКЕНТ. 16.50 — «Звездочка» 17.30— «До-ре-ми-фа-соль». 18.00 — «Ахборот». 18.15 — Дўст сўзи (адабий театр). 18.55 — Халқаро панорама (Москва). 19.55 — Илмий оммабоп фильм. 20.10 — «Ахборот». 20.30 — «ЧАШМА». 22.00— МОСКВА. «Вақт». 22.30 — Фигурали учиш бўйича халқаро мусобақалар. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 10.30 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари. 14.00 — Чавандозлар (бадиий фильм). 16.45 — МОСКВА. Ҳайвонот оламида. 17.45 — Ўсмирлар учун кўрсатув. 18.55 — Ҳужжатли фильм. 19.55 — Тонг отишга бир соат қолганда (бадиий фильмнинг 1-серияси). 21.15 — «Голубой огонёк» саҳифаларида. 22.00 — ТОШКЕНТ. Тарих саҳифалари. 22.30 — Мамлакат олий ўқув юртлари миниатюра театрларининг фестивали. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 18.00 — ДУШАНБА КУРСАТУВЛАРИ.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИ. 15/XII да **Аида**, 16/XII да **Севилья сартароши** (кундузи), **Ганавор** (кечқурун).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 15/XII да **Абу Райҳон Беруний**, 16/XII да **Абу Райҳон Беруний** (кундузи), **Шоҳ Эдип** (кечқурун).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 15. 16/XII да **Ҳижрон.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **«ЕШ ҚАЛБЛАР»** коллективининг **гастроллари.**

КИНО

Муҳаббат алангаси (2 серия)— «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», САНЪАТ САРОЙИ, «ЧАЙКА», «СПУТНИК», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Анжелика ва қирол; Анжелика — фаришталар маликаси — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Капитан Жек (10.00, 12.00, 14.00). **Кунгабоқар** (16.00, 18.00, 20.00, 21.45): — «ВОСТОК».

Сайҳа — «КУКЧА» (кундуз ва кечқурун).

Қаллоб Цеплис — «МИР» (кундуз ва кечқурун).

Алиби учун ярим миллиард — ҲАМЗА номли (кундуз ва кечқурун).

Дунё — Ғ. ҒУЛОМ номли (кундуз ва кечқурун).

Севгига эришиш йўли (13.00, 17.00, 20.45). **Италиялик Америкада** (11.00, 15.00, 19.00): — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ».

Робинзон Крузонинг ҳаёти ва ажойиб саргузашти — ҲАМЗА номли (кундуз ва кечқурун).

Майерлинг (2 серия, 11.00, 14.00, 17.00, 20.00) **Бувисиз ўтган умр** (жуфт соатларда): — «ДРУЖБА».

Менинг исмим масхарабоз (3 серия) — НАВОИЙ номли (12.00, 16.00, 20.00).

Ўзбекистон ССР Қурилиш материаллари саноати министрлиги

ЧИНОЗ ҚУМ-ШАҒАЛ КАРЬЕРИ **майда донали қумни чекланмаган миқдорда**

СОТАДИ

Бир кубометри — 1 сўм 11 тийин.

Мурожаат учун адрес: Чиноз шаҳар, Эркин посёлкаси.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Главупрснаб»и

ИЧКИ РЕСУРСЛАРНИ МОБИЛИЗАЦИЯ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ ИДОРАСИ

РЕСПУБЛИКА ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИДА МАВЖУД БЎЛГАН ОРТИҚЧА ВА ФОЙДАЛАНИЛМАГАН АСБОБЛАР, МЕТИЗЛАР, УСКУНАЛАР ВА БОШҚА ҚИММАТБАҲО МАТЕРИАЛЛАРНИ

ТАРҚАТАДИ

Шунингдек ташкилотлар ва корхоналардан ортиқча ва фойдаланилмаган материаллар ҳамда ускуналарни тарқатиб бериш учун

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Заявкалар билан қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳар ГСП, К. Цеткин кўчаси, 66-уй, телефонлар: 33-28-23, 33-33.67.

ҲАММА МИНИСТРЛИКЛАР, ИДОРАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигининг «СТРОЙДЕТАЛЬ» ТРЕСТИ

Ҳозир амал қилинаётган Давлат стандарти бўйича деразаларни ва эшик блокларини чекланмаган миқдорда тайёрлаб бериш учун

БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Л-15, Сапёрная кўчаси, 33-уй, телефон № 32-09-18, 32-10-28.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги, Ўзбекистон театр жамияти, Маданият ходимларининг Республика касаба союз комитети, Ўзбекистон Театр жамиятининг актёрлар уйи коллективлари Ё. Охунбобоев номидаги Республика Ёш томошабинлар театрининг артисти, Ўзбекистон Театр жамиятининг аъзоси

Раъно **МАДРАҲИМОВА**нинг

бевақт вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдирадилар ва марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қиладилар.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 ◆ ТЕЛЕФОНЛАР

Эълонлар — 338142, коммутатор — 330249 дан 330258 гача

Р. 02826. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. Б. 293.